ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 137 (10.442) / 2005 ЙИЛ 15 ИЮЛЬ

*Ўзбекистон деб аталган шу табаррук заминга эзгу ният билан бир ниҳол экмоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак. Майли, бу кўчатимиз бугун эмас, эртага эмас, балки йигирма, эллик-олтмиш йилда катта бир дарахтга айлансин, лекин такрор айтаман, унинг ниҳолини бугундан кечикмасдан экишимиз керак.*

**Ислом КАРИМОВ**

## Бу — менинг пойтахтим



Тарас Шевченко кўчасининг бугунги кўриниши.

# БЕҚИЁС ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

## ЁКИ ЭСКИ ШАҲАР УЧИНЧИ МИНГЙИЛЛИКДА

### Янги ҳаёт дебочаси

Биз, гўзал пойтахтимиз Тошкент ўрнида бир неча минг йиллар илгари ким дастлаб иморат қурганини, ким канал қазиб, Чирчиқ дарёсидан сув олиб келганини, ким биринчи бўлиб боғ-роғлар яратганини аниқ билмаймиз. Лекин кўҳна тарих бу заминда энг аввало Эски шаҳар пайдо бўлганидан, айнан шу ерда қадимий маданият ва меъморий анъаналар шаклланганидан, шаҳарнинг тўрт даҳасида ҳам миллий муҳит ва ўзига хос шарқона ҳаёт тарзи ҳукм сурганидан гувоҳлик беради. Шу маънода, Эски шаҳар Тошкентимизнинг негизини, пойдеворини ташкил этади ва бу маскан билан пойтахтимизнинг бағри бутун, жозибаси беқиёсдир.

Шаҳаршунос олим В.Нильсеннинг ёзишича, XIX асрнинг иккинчи ярмида Эски шаҳар марказида уйлар жуда тиғиз жойлашган, дов-дарахт эса ҳовлилар ичида, масжидлар олдида бўлган, холос. Ҳатто ўтган асрнинг бошларида ҳам кўчалар ёзда чанг, қишда эса оёқ ботиб кетадиган даражада лой бўлиб ётар эди.

Чор истилосидан кейин 1865 йилга келиб янги Тошкент қад ростлай бошлади ва Эски шаҳар буткул унинг соясида қолиб кетди, агар таъбир жоиз бўлса, унинг ҳудудида гўёки вақт тўхтаб қолгандек туюлар эди. Афсуски, бу ҳол шўро замонида ҳам давом этди.

— Мен Сағбон кўчасида туғилиб ўсганман, — деб ҳикоя қилади Чиғатой-Октепа маҳалла оқсоқоли Хайрулла Мўминов. — Саксонинчи йилларнинг охирига қадар биз ичимлик сувини бир километр наридан обкашда ташиб келар эдик. Ўчоқда овқат пишириб, қишни сандалда ўтказардик. Уйларга зах ҳиди ўтириб қолганди, чунки оқава сув оқиб кетадиган тармоқнинг ўзи йўқ эди. Эски Жўва бозорини айтмайсизми? Кўримсиз расталару ўнқир-чўнқир йўлаклардан иборат бўлган бу бозорда қачон қараманг, ҳаммаёқ ивирсиган, қишда ёмғир оқавалари кўлмаклаб ётса, ёзда ҳавоси айниб, димиқиб кетарди. Пастак, лойшувоқ уйлар, боши берк тор кўчалар минг йиллардан буён қилт этмай тургандек, бу омонат ҳаётни ўзгартириш ҳеч мумкин эмасдек бўлиб туюларди.

Тўқсонинчи йилларнинг бошига келиб, Эски шаҳар бағрига ҳам мустақиллик шабадаси тегди. Айни шу даврда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Эски шаҳарни қайта таъмирлаш, кенг ва равон шоҳкўчалар барпо этиш, транспорт қатновини тубдан яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масалаларини кескин қилиб кун тартибига қўйди.

Шу тариқа Сағбон, Қорасарой, Форобий, Чимбой, Етим Бобожонов ҳамда Чиғатой каби тор ва кўримсиз, эгри-бугри кўчалар кенгайтирилди, муҳандислик коммуникацияларини ўтказилди ва тубдан қайта таъмирланди. Равон магистраль йўллар барпо этилгач, жамоат транспортининг қатнови яхшиланди, жумладан, троллейбус қатнови йўлга қўйилди. Бу йўлларнинг ҳар икки тарафида яшил ҳудудлар ва пиёдалар учун махсус йўлаклар яратилди. Ўнлаб маҳаллаларда замонавий гузарлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, савдо уйлари ҳамда спорт масканлари барпо этилди. Муаззам кўприклар, Кичик ҳалқа йўли қурилди ва шу тариқа Эски шаҳар пойтахтимизнинг барча ҳудудлари билан чамбарчас боғланди.

Кейинги йилларда ушбу ҳудудда бунёд этилган йирик ишлаб чиқариш корхоналари, маданий-маиший иншоотлар, турар жой биноларини санаб чиқишнинг ўзи ҳам кўп вақтни олади. Шунинг учун уларнинг айримларини эслаш билан кифояланамиз. Муҳташам санъат кошонаси — Консерватория биноси, Банклар ассоциацияси, "Жар" спорт мажмуи, "Кобул-текстил" қўшма корхонаси, замонавий лицей ва коллежлар, кўплаб автомаркаэлар, қатор банк ва савдо иншоотлари...

Бир сўз билан айтганда, Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида амалга оширилган кенг кўламли беқиёс ишлар туфайли Эски шаҳар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Бу ҳақда узоқ гапириш мумкин, лекин биз айни шу кунларда бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг айримлари ҳақидагина баҳоликудрат ҳикоя қилмоқчимиз.

Давоми 4-5-бетларда.

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча Оқсаройда Япония ҳукуматининг вакили Кёко Накаямани қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Япония муносабатларини янада мустаҳкамлашга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

● Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳридаги ҳарбий қисмда «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Солиқ академияси ва Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ҳамкорлигида «Солиқ сиёсати: солиқларнинг моҳияти ва аҳамияти» мавзуида очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоқ бўлимида буюк олим, йирик жамоат арбоби, ёзувчи ва таржимон Нажим Довқораев таваллудининг 100 йиллигига бағишланган илмий-ижодий анжуман бўлиб ўтди.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университети қошидаги 1-академик лицейда «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» оилавий спорт мусобақасининг Қорақалпоғистон босқичи якунланди.

● Қувасой шаҳридаги DELKONS Ўзбекистон-Америка-Италия қўшма корхонасида тайёрланаётган «Maestro» шарбатларига талаб ошмоқда. Ўтган йили 450 миллион сўмлик шарбат Россия, Украина ва бошқа Европа давлатларига экспорт қилинди.

### Жаҳонда

● Буюк Британия матбуотида 7 июль куни Лондонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари ижрочиларининг суратлари ва номи эълон қилинди. Дастлабки маълумотларга кўра улар тўрт киши бўлиб, барчаси Буюк Британияда истиқомат қилувчи покистонлик шахслардир.

● Бугун Кагосима префектурасидаги космодромдан Япониянинг Astro -EII (Suzaku) космик обсерваторияси фазога парвоз қилди.

● Ўн кун давомида тинимсиз ёмғирлар ёғиши натижасида Руминиянинг бир қанча шаҳар ва қишлоқларини сув босди. Натижада минглаб уйлар вайрон бўлган, бир нечта шаҳар аҳолиси электр энергиясисиз қолди.

● Вьетнамда парранда гриппи хасталигидан яна бир киши ҳаётдан кўз юмди. Шу тариқа мамлакатда ушбу касаллик оқибатида вафот этганлар сони 40 кишига етди. Бундан ташқари яна уч киши парранда гриппига чалинди.

● Франциянинг Фромантин шаҳрида шоссе велопойгалари бўйича энг нуфузли халқаро мусобақалардан бири — «Тур де Франс» бошланди.

## Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **ШАЙХОНТОҲУР** туманида «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши ташаббуси билан «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида ўтказилган «Сардорлар ёки етакчилар» мавзуидаги тадбирда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Сардорлар ва Етакчилар Кенгаши аъзолари қатнашди.

● **КЕЧА** 287-мактаб қошида «Камолот» ЁИҲ Учтепа туман Кенгаши ташаббуси билан ҳарбий спорт оромгоҳи очилди.

● **БУГУН** Тошкент Ахборот технологиялари университети қошида «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Компьютер саводхонлиги» ўқув курси битирувчиларига сертификатлар топширилди.

● **ЎТГАН** куни Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети битирувчиларига дипломлар топширилди.

● **КЕЧА** «Туркистон» маҳалласида «Сиёсий, ҳуқуқий саводхонликни ошириш» мавзуида ёшлар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман Кенгаши ҳамда Тошкент Давлат юридик институти талабалари ҳамкорликларида уюштирилди.

● **БУГУН** 175-мактабда «Камолот» ЁИҲ Миробод туман Кенгаши ташаббуси билан кўчма оммавий спорт ўйинлари бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Ойдин Собирова маҳалласида «Камолот» ЁИҲ Учтепа туман Кенгаши томонидан уюштирилган шахмат, шашка, футбол, баскетбол, арқон тортиш мусобақаларида маҳалла ёшлари ўзаро беллашди.

● **ЎТГАН КУНДАН** Бектемир туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамда туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ҳамкорликларида туман корхоналари, ташкилотлари, муассасалари жамоалари ўртасида футбол бўйича ташкил этилган Бектемир туман ҳокими Кубоги беллашувлари бошланди. Ушбу мусобақалар июль ойининг охирларига қадар давом этади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

ТАДБИРКОРГА — ОМАД ЁР

**Истиқлол шарофати билан ҳаётимизда, иқтисодиётимизда катта ўзгаришлар юз берди. Халқимиз фаровон турмушини таъминлашда иқтисодиётимиз ривожида асосий таянч кучга айланиб бораётган кичик корхоналар ҳамда хусусий тадбиркорлик ривожига давлатимиз, хусусан Президентимиз томонидан алоҳида эътибор берилмоқда.**

# ҚУЛАЙ ИҚТИСОДИЙ МУҲИТ ЯРАТИЛДИ

Шу боис ҳам эндиликда савдо ишлаб чиқариш хусусий фирмамиз оёққа туриб олди. Фаолият бошлаганимизга мана 10 йил бўлди. Иш бошлаган дастлабки йилларда корхонада бор-йўғи 4-5 турдаги маҳсулотлар тайёрланган бўлса, ҳозирги кунга келиб самарали технологиялар мадади билан харидоргир қандолат маҳсулотларимиз тури 30 тадан зиёдроқни ташкил этмоқда. Бундай ютуқларга ўз-ўзидан эришиб қолмадик, албатта. Ички бозорни тинмай, чуқур ўрганиш асносида сифатга асосий эътибор қаратдик.

«Интилганга — толе ёр» деб халқимиз бежиз айтмайди. Жамоамиз тадбиркорлари изланишлари, ташаббуслари туфайли жорий йилда хусусий корхонамизда янги маҳсулот — 4 турдаги сифатли, харидоргир макаронлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бунинг учун керакли бўлган дастгоҳ ва ускуналар харажати учун маблағ корхонанинг соф даромади ҳисобидан қопланди. Чунки бизда ҳар йили шу даромаддан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда ишчи-хизматчиларнинг шарт-шароитларини яхшилаш мақсадларида фойдаланиш корхонани ривожлантириш режаси асосида олиб борилади.

Давр талабидан келиб чиққан ҳолда бу йил юртимизда жуда муҳим сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган воқеа юз берди — икки палатали парламент шаклланди, бу дегани эса ислоҳотларни чуқурлаштириш, барча соҳаларда эркинлаштириш жараёнлари давом эттирилмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш бугунги куннинг асосий мақсадидир.

Яқиндагина кетма-кет эълон қилинган Президентимизнинг «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармонлари, «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Қарори иқтисодиётимиз тараққиётигагина эмас, элимиз фаровонлигини оширишга ҳам хизмат қилиши аниқ. Айниқса, мазкур ҳужжатлар биз каби кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлар учун баҳоси йўқ ҳисобланади.

Ушбу Фармон ва Қарорлар мазмун-моҳияти билан тадбиркорларни нокерак текширув , тафтишлардан муҳофаза қилади, ҳисоботлар ҳам энди ойма-ой эмас, чоракда топширилиши нур устига аъло нур бўлди, албатта. Тадбиркорнинг кундалик иш режаси соатлаб эмас, дақиқалар ҳам қадрлаб режаланиши ҳеч кимга сир эмас. Эндиликда нафақат қимматбаҳо вақтимиз, балки маблағимиз ҳам «эркинлашди». Демоқчиманки, бизнесни ривожлантириш учун кенг йўл очилди.

**Ҳасан ИЛҲОМОВ,**
**«Deroz» савдо ишлаб чиқариш хусусий фирмаси директори.**



**Жилоси кўзни қамаштирувчи, ипаклар қатидаги безаклари дилларга завқ бағишловчи сўзанаю палаклар, зардевору миллий либослар нафақат маҳаллий харидорларни, балки хорижликларни ҳам мафтун этаётгани пойтахтимиздаги «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамияти чеварларини янги-янги изланишларга ундамоқда.**

*Иқтисодиёт*

# «ШАРҚ ГУЛИ» ЧЕВАРЛАРИ





Мустақиллигимизнинг 14 йиллик шодиёнасини меҳнатда алоҳида муваффақиятлар билан кутиб олиш тараддудини бошлаб юборган жамоа аҳли маҳаллий хом ашёдан харидор дидига мос, бир-бирини асло такрорламайдиган миллий ҳунармандчилик маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқаришмоқда. Бу борада моҳир дизайнерларнинг ҳиссалари катта бўлиб, улар ҳар бир маҳсулот устида ўз маҳоратларини намойиш этишади. Шу боис бўлса керак, корхона маҳсулотлари нафақат юртимиздаги, балки хорижий кўргазмаларда ҳам муваффақият қозонмоқда.

— Айни кунларда 15-20 турдаги бадиий каштачилик ҳамда тўқимачилик маҳсулотларини тайёрлаяпмиз, — дейди корхона бош муҳандиси Шуҳрат Умаров. — Шунингдек, жаҳон давлатлари байроқлари ҳам корхонамиз чеварлари меҳнати билан тайёрлаб берилмоқда. Зардўзлик асосида тайёрланаётган эсдалик совғаларимиз ҳам харидорларимизга манзур бўлмоқда.

Миллий қадриятларимиз эъзози ўз аксини топган бетакрор попопчилик ва каштачилик, зардўзлик буюмлари фақатгина келинчаклар хонадонининг безаги бўлибгина қолмай, шарқона анъаналаримизнинг кўриниши, момоларимиз меросининг давоми бўлиб, чеварлар меҳр ва муҳаббати мужассами бўлган ушбу маҳсулотларда гўзаллик барқ уради.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: каштачи Малоҳат Рашидова ўз ишини пухта бажариб, ҳамиша маҳсулот сифатига эътибор қаратади; чеварлар маҳорати билан яратилган каштачилик ва зардўзлик буюмлари.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

# СЕВАРА МАДАНИЙ АНЖУМАННИ БЕЗАДИ

**Киев шаҳрида «Країна мрій» («Орзулар мамлакати») деб номланган халқаро этнофестиваль бўлиб ўтди. Унинг ташкилотчилари — «Арт Велес» бадиий агентлиги, Ёш фольклор тадқиқотчилари умумукраина уюшмаси, «Иван Гончар музейи» халқ санъати маркази, «Украина — 3000» халқаро хайрия жамғармаси мазкур анжуманни уюштиришда ўзига хос йўлни танладилар. Этнофестивални халқ сайил-ярмаркаси шаклида ўтказиш мазкур мусиқали фольклор тадбирига асос қилиб олинди. Таклиф этилган жамоалар Киевдаги «Певческий майдони» саҳнасида ўз санъатларини намойиш этдилар.**

Ушбу маданий анжуман мамлакатнинг Ёшлар ва спорт, маданият, санъат ва сайёҳлик ишлари бўйича вазирлиги шафеълигида иккинчи маротаба ўтказилди. Бундан кўзланган асосий мақсад миллий маданиятни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, бошқа мамлакатларнинг халқ фольклори ва замонавий мусиқа маданияти билан танишишдан иборатдир.

Мазкур этнофестивалда Белоруссия, Венгрия, Грузия, Литва, Молдова, Польша, Франция, Ўзбекистон ва Украинанинг турли ҳудудларидан келган 50 дан зиёд бадиий жамоа иштирок этди.

Мусиқашуносларнинг фикрича, Севара Назархон ижросидаги ашулалар фестивалдаги ўзига хос, ёрқин чиқишлардан бири бўлди. Маҳаллий матбуот эса иқтидорли санъаткоримизни: «Ўзбек Мадоннаси» деб атади. Севара Назархоннинг 45 дақиқадан иборат маданий дастури украиналик мусиқа ихлосмандлари томонидан қизғин қарши олинди. Улар ҳамюртимизни давомли қарсаклар билан бот-бот олқишлаб турдилар.

**«Жаҳон» АА**

# КИЧИК БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА

**Жорий йилда «Ўзулгуржисавдо» компанияси ўзининг янги шохобчаси - «Минитехлизинг» акциядорлик жамияти ривожига бир миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтиради.**

Компания вакилининг таъкидлашича, Савдо-саноат палатаси, «Тадбиркорбанк», “Фермер хўжаликлари уюшмаси”, «Мадад» суғурта агентлиги жорий йилнинг июнида ташкил этилган «Минитехлизинг» акциядорлик жамиятининг таъсисчилари ҳисобланади. «Минитехлизинг» биринчи навбатда кичик бизнес субъектларини замонавий технологиялар билан таъминлашга йўналтирилган хизматлар турини кенгайтиради. Маълумки, лизинг асосида минитехника сотиб олиш республикамиз шаҳарларида бўлгани каби, қишлоқ жойларида ҳам тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг зарур шаклларидан биридир.

Жорий йил бошида Савдо-саноат палатаси ва «Ўзулгуржисавдо» компанияси томонидан мамлакатимиз тадбиркорларининг эҳтиёжларини ўрганиш мақсадида маркетинг тадқиқотлари ўтказилган эди. Унга кўра йилнинг иккинчи чорагида Хитойдан кичик тегирмонлар, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари, яъни сартарошлик салонлари, кимёвий тозалаш шохобчаларини жиҳозлаш учун замонавий асбоб-ускуна олиб келинди. Бунга Хитойнинг Алашанькоу саноат-савдо компанияси яқиндан кўмаклашди. «Минитехлизинг» АЖнинг ташкил этилиши кичик корхона, микрофирма, фермер хўжаликлар учун керакли жиҳоз, асбоб-ускуналарни лизинг асосида сотиб олишга замин яратди.

Ҳозирда мазкур асбоб-ускуна намуналари билан «Ўзулгуржисавдо»нинг мунтазам ишлайдиган кўргазма павильонида танишиш мумкин. Шунингдек, шу ернинг ўзида савдо-сотиқ шартномасини тузиш, танланган асбоб-ускуна учун қўшимча буюртмалар бериш имкони мавжуд. Бундан ташқари ярмаркада мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотлари ҳам тақдим этилган. Улар орасида BEFA Lux Ўзбекистон — Австрия, «Эль Колор» Ўзбекистон — Германия қўшма корхоналарининг маҳсулотлари бор. Йил бошидан буён ярмаркада 142 миллион сўмликдан зиёд шартномалар тузилди.

Жорий йилдан ярмаркада Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси билан тўғридан-тўғри боғланувчи электрон савдо майдончаси фаолият кўрсатмоқда.

Компания мутахассисларининг эътироф этишича, келгусида кичик бизнес соҳаси учун Польша, Голландия, Францияда ишлаб чиқилган замонавий асбоб-ускуналарни келтириш режалаштирилмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

**Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Остонадаги охирги саммити бугунги кунда ер юзи аҳолисининг ярмини намоён этувчи бу ташкилотнинг ўсиб бораётган имкониятини, унинг бутун дунё давлатлари учун асосий хатар ҳисобланмиш террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашни кучайтиришга қатъиятини кўрсатди.**

# ВАҚТИНЧА — ДОИМИЙ ДЕГАНИ ЭМАС

Жамиятда бир халқаро учрашув иши шу қадар катта қизиқиш уйғотганлигини эслай олмайман. ШҲТнинг навбатдаги саммити якунлари ва унда тарихий аҳамият касб этувчи ҳужжатларнинг қабул қилинишигина бунга сабаб эмас. Бугунги кунда халқаро юмушлар миллионлаб ўзбекистонликларнинг турмуши ва тақдирига бевосита боғланиб, ҳаётимиз фаровонлигига, давлатлар ва фуқаролар хавфсизлигига тўғридан-тўғри дахлдордир.

Эсга олайлик: Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунларда, афсуски, фронт ёқасидаги давлат ҳолатига тушиб қолганди. Афғонистондаги кўп йиллик низолар бизнинг Тожикистондаги фуқаролар уруши оловига учқун бўлганди. Бахтимизга шу ердан чиққан экстремистларнинг юртимизда ўшандай қон тўкишга интилиши қатъийлик билан тўсилди. Лекин хориждан туриб давлатимиз конституциявий тузумига дахл қилиш ва тинч ҳаётимизни бузишга уринишлар ҳамон тўхтамаяпти. Шаҳарларимиз кўчаларида бир неча бор портлашлар рўй берди, тиш-тирноғигача қуролланган жангарилар тўдалари мамлакатимиз ҳудудига эгри йўллар билан суқилиб киришга ҳаракат қилишди, лекин муносиб зарба олишди.

Шунинг учун Ўзбекистон аввал бошдан фаол киришган халқаро аксилтеррор коалицияси ҳаракатларининг қўллаб-қувватлаши, мамлакатимиз учун шунчаки эзгу ният ишораси эмасди. Бу ҳаракат давлатимиз ва бутун минтақа устида турган хавф-хатар даражасини тушунган ҳолда қўйилган онгли қадам эди. Бу ҳақда Ўзбекистон раҳбари халқаро ҳамжамиятни ўн йилдан кўп давр мобайнида юксак минбарлардан огоҳлантирган эди.

Ўзбекистоннинг Афғонистондаги халқаро аксилтеррор ҳаракатларда қатнашиши шунчаки рамзий эмасди. Америка Қўшма Штатларига қидирув-қутқарув тадбирлари ўтказиш ва жанговар ҳаракатлар давомида Афғонистонга туташ ҳудудларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш бўйича операциялар ўтказиш учун йирик аэродром берилди.

Айни пайтда, ШҲТга аъзо мамлакатлар ҳудудида, шу жумладан, Ўзбекистонда хориж давлатлари ҳарбий контингентларининг келгусида туриш муддатларини аниқлаштириш зарурлиги масаласи ШҲТ мамлакатлари етакчиларининг Остонада имзолаган Декларациясида мутлақо адолатли тарзда баён қилинган.

Ишончим комилки, Ўзбекистон томонининг бу масаладаги позициясига аниқ тушунтириш берилган Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги баёноти ҳам ўз вақтида қабул қилинган бўлиб, халқимиз манфаатларига жавоб беради.

Унда, хусусан, "Хонобод" аэродроми ҳудудининг АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига фойдаланиш учун берилиши Афғонистон шимолида ҳарбий операциялар олиб бориш билан бевосита боғлиқ бўлганлиги қайд этилади. Ўзбекистон томони Америка ҳарбийларининг келгусида Ўзбекистон ҳудудида бўлишининг бошқа вариантларини кўриб чиқмаган.

Америка ҳарбийларининг ўзлари таъкидлаётганидек, Афғонистондаги фаол ҳаракатлар якуний босқичга келди. Айнан шу операцияларнинг муваффақиятли ўтказилиши учун республика ҳарбий инфратузилмаси объектларидан АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари фойдаланиши кўзда тутилган эди. Шундай экан, "Хонобод" аэродромида турган Америка контингентига бугун қандай стратегик роль юкланаётганини билишни истардик. Агар терроризмга қарши курашни давом эттириш бўлса, Америка базалари тўлиб ётган Европада ва дунёнинг бошқа жойларидаги воқеалардан кўриниб турибдики, терроризмга бегуноҳ инсонларни ҳалок қилишда давом этаяпти ва бу муаммони самолётлар билан ҳал этиб бўлмайди.

Бу масала аввалроқ кўтарилмагани менга ва менинг бошқа кўплаб ақинларимга ҳатто ғалати туюлади. Чунки Ўзбекистон ҳудуди бўйича транзит ва унинг ҳарбий инфратузилмасига кириш ҳақида битимдаги (худди ўша Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот учун ахборотида айтилганидек) "вақтинчалик" деган сўзга асосий урғу берилган.

Дарвоқе, ташқи сиёсат идорамизнинг баёнотида тилга олинган яна бир жиҳатга эътибор қаратмоқчи эдим: "Хонобод" аэродроми ҳарбий инфратузилмасидан фойдаланиш сувтекинга тушган экан. Ўзбекистон томонининг "Хонобод" аэродромини қўриқлаш, зарур инфратузилма барпо этиш ва ундан фойдаланиш борасидаги қўшимча харажатларини қоплаш, экологияга етказилган зарар ва аҳолига туғилган ноқулайликлар туфайли компенсация учун АҚШ ҳеч қандай тўловларни амалга оширмаган.

Аминманки, бу озгина пул эмас. Балки бу маблағни иқтисодиётимизни яхшилаш, хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий соҳанинг келгуси ривожи учун янада самаралироқ ва фойдалироқ тарзда сарфлаш мумкиндир.

**В.ПЕТРОВСКИЙ**
(«Халқ сўзи» газетаси 2005 йил, 14 июль).

*Истеъмолчилар ҳуқуқлари қонун ҳимоясида*

## ШИКОЯТЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

● Ҳамза тумани, Лисунов кўчаси 4-мавзе, 28-уй, 53-хонадонда истиқомат қилувчи И.Савенкова А.Навоий шоҳкўчасида жойлашган хусусий тадбиркор Ш.Набиевга қарашли "Topfield" савдо дўконидан 2 та аёллар соч турмаклаш мосламасининг бирини 55000 сўмга, иккинчисини эса 11000 сўмга харид қилади. Бироқ сотиб олинган мосламалар ҳаракатга келтирилганида, уларнинг умуман носоз аҳволда эканлиги сезилиб қолади. Истеъмолчи И.Савенкова орадан 2 кун ўтгач, мосламани алмаштириб олиш мақсадида дўкон сотувчиси О.Исмоиловага мурожаат қилган. Сотувчи томонидан истеъмолчи талаби қондирилмагач, Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бирлашмасига ёзма равишда мурожаат қилинган. Ҳозирда ҳудудий бирлашма аралашуви билан И.Савенковага тегишли маблағ ундириб берилди.

● Мирзо Улуғбек тумани, Сайфулин кўчаси, 19-уйда яшовчи А.Болтаев ўзига тегишли "Зил-1" русумдаги музлатгични таъмирлатиш учун "Зангори экран" техник савдо ҳамкорлик жамиятига мурожаат қилган. Ўзаро ҳисоб-китоб ишлари 6000 сўмга баҳоланиб, истеъмолчига кафолат хати берилади. Бироқ музлатгич сифатсиз таъмирдан чиқарилгани боис, тезда бузилиб қолади. Шундан сўнг А.Болтаев икки маротаба жамият маъмуриятига мурожаат қилиб, улардан ўз маблағини қайтариб беришларини талаб этган, лекин истеъмолчининг ҳақли эътирозига ҳеч ким қулоқ солмаган. Тегишли ташкилотнинг саъй-ҳаракатлари асносида истеъмолчи талаби қондирилди.

● Яккасарой туманлараро фуқаролик судига, шу тумандаги "Бошлиқ" даҳаси 7-уй, 62-хонадонда яшовчи С.Жўраева томонидан "Бобур-Аср" уй-жой мулкдорлари ширкати фаолиятидан шикоят қилинган. Шикоят хатида коммунал хизматлар жойида эмаслиги оқибатида келиб чиқаётган муаммолар батафсил баён этилган. Ҳозирда, ушбу шикоят юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

**Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси билан ҳамкорликда тайёрланди.**

**Азиз ҳамшаҳарлар! Сизнинг ҳам ҳуқуқларингиз бузилдими? Унда марҳамат, қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат этишингиз мумкин:**
**177-25-38, 76-89-35**

*«Камолот»*

## ИШТИЁҚ БИЛАН ҚАТНАШИШДИ

**«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ёшларнинг ҳақиқий таянчи ва суянчига айланиб улгурди. «Камолот» ЁИҲ Учтепа туман бўлими Кенгаши томонидан ҳам ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида тинмай ҳаракат қилинмоқда. Қандай дейсизми? Келинг бу ҳақда батафсил айтиб бера қолайлик.**

Куни кеча Учтепа туманидаги «Ал-Соғуний» маҳалласида «Кўчма оммавий спорт ўйинлари» бўлиб ўтди. Қизиқарли спорт турлари бўйича ўтказилган ушбу мусобақа болалар иштиёқ билан киришиб кетдилар.

Ниҳоят ғолиблар ҳам аниқланди. Унга кўра футбол бўйича «Лочин» гуруҳи, шахмат-шашкада Аброр, Жасур,-эстафетали югуришда Назокат, Фарзона, Элнораларни юқори ўринларни эгаллагани маълум бўлди. Уларни эсдалик совғалари билан «Камолот» ЁИҲ Учтепа туман бўлими Кенгаши тақдирлади.

— Мен бу эстафетада 1-ўринни олдим. Бундан хурсандман. Ташкилотчиларга раҳмат айтаман. Шундай тадбирлар кўпроқ ўтишини истардим, — дейди мусобақа ғолибаси Назокат Ҳусаинова.

Мусобақаларни кузатар эканмиз, болажонларнинг кўзларида бир олам қувончни кўрдик. Уйлаймизки бундай тадбирлар кўпроқ ўтказилса, келажагимиз пойдеворининг мустаҳкам бўлишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

**Наргиза САЙДУЛЛАЕВА,**
**«Янги авлод» медиа маркази клуби аъзоси**

**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида талабалар математика-информатика, педагогика-психология, бошланғич таълим, дефектология, мактабгача таълим, табиий фанлар, ўзбек тили ва адабиёти, чет тиллар каби йўналишлар бўйича таҳсил олади. Айни вақтда университетда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун ҳам педагог-мутахассислар тайёрланмоқда.**

*«Абитуриент-2005»*

## ЭНГ БИЛИМЛИ ЁШЛАР ТАЛАБА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига мувофиқ янги ўқув йилидан бошлаб барча таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида таҳсил олган мазкур университет битирувчиларини камида уч йил ишлаб бериш шарти билан таълим муассасаларига ишга тақсимлаш амалиёти жорий этилади. Талабаларни ишга тақсимлашда университет Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Таъкидламоқ лозимки, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ўқитувчилар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга ҳамда ёшларда ўқитувчилик касбига қизиқишнинг янада ортишида муҳим омил бўлмоқда.

Бу йил университетга салкам икки минг саккиз юз нафарга яқин талаба қабул қилинади. Ҳозирдаёқ беш ярим мингдан зиёд абитуриентдан ариза тушди. Демак, энг билимли, энг иқтидорли ёшлар талаба бўлади.

Университетда ўрта махсус маълумотга эга педагог-кадрлар учун махсус сиртқи бўлим ҳам фаолият кўрсатмоқда. Унда бошланғич таълим, меҳнат таълими, жисмоний тарбия, мусиқа, амалий санъат, мактабгача таълим каби йўналишларда мутахассислар тайёрланади.

Мазкур олий ўқув юртида чақириққача ҳарбий таълим ҳамда махсус сиртқи бўлим учун миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқшунослик ва маънавият асослари каби янги йўналишлар бўйича ҳам кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## АБОНЕНТЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

**Жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда телекоммуникация соҳасида 179,2 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди.**

Жалб қилинган инвестициялар миқдори 36 миллион АҚШ долларини, экспорт 18,2 миллион долларни ташкил этди. Режа эса 161,2 фоиз бажарилди. Жорий йил 1 июль ҳолатига кўра, мобиль алоқалар бўйича абонентлар сони 735 мингга, бу кўрсаткич 2005 йил 1 январь ҳолатига таққосланганда 190,9 мингтага кўпайган. Бу рақамлар мамлакатимизда мобиль алоқаларга эътибор кучаяётганлигини, бу соҳа тез суръатларда ривожланаётган жаҳон телекоммуникация бозорига жуда ҳам мослигини кўрсатмоқда.

Ахборот ва телекоммуникация бозоридаги рақобатнинг кучайиб бораётганлиги туфайли интернетдан фойдаланувчилар сони ўтган йилдагига таққосланганда 137 фоизга ошиб, улар сони 780 минг нафарга етди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда уяли алоқанинг саккиз нафар оператори фаолият кўрсатмоқда.

**Ҳусан СУЛАЙМОНОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

**Россия халқ артисти Юрий Авшаров таниқли актёр сифатида томошабинларга яхши таниш. Москва сатира театрининг етакчи артисти сифатида у кўплаб юмористик образлар яратди.**

*Санъат*

## ТОМОШАБИНЛАРГА ЗАВҚ УЛАШДИ

Ана шу севимли санъаткорнинг Тошкентга қилган ижодий сафари томошабинларни мамнун этди. Унинг "Илҳом" театрида берган томошалари ҳам муваффақиятли бўлди. "Мўъжаз фожиалар" деган номда уюштирилган спектаклда рус актёри бош ролларни ижро этди. Мазкур томоша дастуридан Пушкиннинг "Хасис рицар", "Моцарт ва Сальери" каби юмористик асарларни ўрин олган эди.

**Феруза ИСАЕВА**

# БЕҚИЁС ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

## ЁКИ

## ЭСКИ ШАҲАР УЧИНЧИ МИНГЙИЛЛИКДА



Давоми. Боши 1-бетда.

### Бешёғоч майдони

Топонимия бўйича мутахассис А.Муҳаммадкаримов "Тошкентнома" китобида қайд этишича, ўтмишда Бешёғоч, айрим манбаларда эса Зангиота деб аталган ушбу мавзе Тошкентнинг қадимий даҳаларидан бўлиб, "беш дарахт" деган маъно англатади.

Бевосита Бешёғоч майдони ҳақида гапирадиган бўлсак, у 1972 йилгача бир муддат Беруний, 1986 йилгача яна Бешёғоч, 1991 йилгача Комсомол майдони деб аталган. 1935 йили бу ҳудудда бозор ташкил этилган. 1943 йили эса Олмазор ва Арпапоя кўчалари туташган жойда Муқимий номидаги комедия ва драма театри биноси қурилган.

Агар, ёдингизда бўлса, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Бешёғоч майдонининг кунботар тарафида ястаниб ётган тиғиз, лойшувоқ уйлар саратоннинг жазирама иссиғида тандирдек қизиб кетар эди. Шунда шаҳардаги болалар ҳам, катталар ҳам беихтиёр шу яқин атрофда жойлашган собиқ Комсомол кўлига талпинар эди.

Ўша йилларда суратга олинган "Мафтунингман" бадиий фильмида кўл бўйида сайр этиб юрган йигит-қизлар билан бирга, яйраб чўмилаётган болалар ва ёш-яланглар ҳам ўз ифодасини топган.

Иккита ёйсимон кўприк икки соҳилини боғлаб турган бу сунъий кўл аслида 1939 йили ғишт заводининг лой тайёрланадиган карьери ўрнида қурилган эди. Орадан вақт ўтиши билан эътиборсизлик оқибатида қуйқа ўтириб қолиб кўл жуда саёзлашди, ботқоқлашиб, аввалги файзу тароватини йўқотди.

Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлагач, мазкур кўлни ўз ичига олган Миллий боғ барпо этиш ғоясини илгари сурди.

1991 йилнинг 28 сентябрида Ўзбекистон Миллий боғи ва унинг тўрига ўрнатилган Алишер Навоий ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Шу тариқа Эски шаҳардаги беқиёс ўзгаришларнинг муқаддимаси бошланди, десак, асло хато қилмаймиз.

Миллий боғ деганда кўпчилик мовий гумбазли муҳташам ҳавозани, мутафаккир шоиримизнинг улуғвор ҳайкалини ва ҳар йили Наврўз байрами тантаналари бошлаб бериладиган кўркам сайилгоҳни кўз олдига келтиради. Ҳолбуки, ҳудуди яқин йиллар ичида 100 гектардан ошиши кўзда тутилган Миллий боғ Бешёғоч майдонидан бошланиб, Халқлар дўстлиги шоҳкўчасигача давом этади ва "Наврўз" ресторани ҳамда Тантаналар уйини, Олий Мажлиснинг муаззам биносию унга туташ бўлган иккинчи сунъий кўлни, фавворалар мажмуи ҳамда XIX асрда бунёд этилган тарихий обида — Абулқосим мадрасасини ўз ичига олади. Миллий боғ бугун нафақат ўттиз мингдан ошиқ аҳоли яшайдиган йирик мавзенинг, балки бутун пойтахтимизнинг кўркига кўрк, чиройига чирой қўшиб турибди.

Муҳтарам Президентимиз шу йилнинг феврaль ойида Тошкент шаҳрида олиб борилаётган реконструкция ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Бешёғоч майдонида ҳам бўлиб, Миллий боғни янада обод қилиш, жумладан, собиқ Комсомол кўлини қайта тиклаш ва таъмирлаш масаласини ўртага қўйиб, амалий таклиф ва тавсиялар билдирган эди. Шу кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда, Миллий боғни яхлит таъмирлаш бўйича мукаммал дастур ишлаб чиқилди. Ва шу асосда кенг қамровли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Изчил режага мувофиқ босқичма-босқич амалга ошириладиган бу ишлар Миллий боғнинг тубдан қайта шаклланиши ва пойтахтнинг яшил камар ландшафти барпо этилишига замин яратади.

Шу йил Наврўз байрами арафасида боғни оралаб ўтган анҳор қайта таъмирланиб, қайроқтошли янги ўзанга солинди. Анҳор ёқасидаги йўл кенгайтирилди. Ҳозир боғнинг кириш қисмида муаззам арк-дарвозаси барпо этилмоқда. Шу билан бирга, кўлни қайта қуриш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари тарихий кўлнинг азалий кўркини тиклаш учун замонавий асосда уни қайта барпо этиш, атроф-муҳитда салқин микроиқлим яратиш, шу тариқа ушбу ҳудудга тоза ҳаво олиб кириш масаласини алоҳида таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, қурувчилар истироҳат боғидаги бирон-бир дарахтга зиғирча шикаст етказишмади. Кўлнинг табиий шакли, асл кўриниши сақлаб қолинди, шу билан бирга, унинг санитария ҳолатига, дренаж масаласига жиддий эътибор берилмоқда.

Шу мақсадда кўл олдида тўрт босқичли махсус сув тозалагич иншооти барпо этилди. Эндиликда сув мазкур иншоот орқали, лойқа ва чўкиндилардан тозаланган ҳолда кўлга ўтади. Чўкиндилар эса 460 метрлик махсус мосламалар орқали четга чиқариб ташланади.

Ҳозиргача кўл соҳилининг 2200 метрига бетон ётқизиб чиқилди. Мавжуд икки оролча атрофи ҳам худди шундай ўраб қўйилади.

Кўлдаги болалар ва катталар чўмиладиган ҳавзалар алоҳида-алоҳида бўлиб, улар ўзига хос равишда 1,20 метрдан 3,5 метргача бўлган чуқурликни ташкил этади.

Кўлнинг умумий саҳни 7 гектардан ортиқ, унинг ҳавзасига 18,5 минг куб метр сув сиғади. Бу сув ҳавзаси ишга туширилгач, болалар Бўрижар каналидан токи Алишер Навоий ҳайкали ёнигача бўлган ҳудудда яйраб чўмилишлари мумкин.

Қурилиш жараёнида 50 минг куб метрдан ортиқ ҳажмдаги тупроқ ишлари бажарилди, жами 700 миллион сўмлик иш амалга оширилди. Ҳозир бу ерда кўлдаги сув миқдорини бир маромда сақловчи ва мунтазам янгилаб турувчи иншоотлар қурилмоқда.

— Жамоамизнинг 134 нафар қурувчиси кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилмоқда, — дейди "Паркентсувқурилиш" трести раҳбари Малик Иброҳимов. — Мақсадимиз — бу муҳим ишларни ўз вақтида сифатли қилиб топширишдир.

Ҳеч шубҳасиз, яқин кунлар ичида Миллий боғ болаларимизнинг севимли масканларидан бирига айланади. Ҳадемай бу ерда қатор янги аттракционлар иш бошлайди. Шунингдек, анҳор соҳилида ҳам текислаш, майсазор майдончалар яратиш ва шинам йўлаклар қуриш борасида кенг кўламли ободончилик ишлари амалга оширилди.

Миллий боғдаги иншоотлар, ям-яшил дарахтлар, фавворалар ва амфитеатр, барча-барчаси ғоявий яхлитлик касб этади. Шунга мос равишда Бешёғоч майдонининг умумий қиёфасини ҳам меъморий жиҳатдан тамомила ўзгартириш кўзда тутилган...

### Болаларимиз истиқболини ўйлаб

Шуниси эътиборлики, бугунги кунда бундай бунёдкорлик ишлари Эски Жўва майдонида, Марказий темир йўл вокзали олдида, Кичик халқа йўлида, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи ва бошқа жойларда ҳам юқори суръатлар билан давом эттирилмоқда.

Қад ростлаётган янги иншоотлар ичида Болалар ижодиёти уйи алоҳида ажралиб туради. Бу кошона Эски Жўва бозори билан Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи, Зарқайнар билан Сағбон кўчалари туташган жойда, энг баланд нуқтада бунёд этилишида теран рамзий маъно бор. Ушбу гўзал, меъморий нуқтаи назардан ноёб иншоот ишга тушгач, ҳеч шубҳасиз, иқтидорли ёшларнинг жўшқин ижод марказига айланади ва шаҳримиздаги мислсиз ўзгаришлар энг аввало навқирон авлод бахт-саодати йўлида амалга оширилаётганининг яна бир тасдиғи бўлиб хизмат қилади.

Умумий баландлиги 18 метрни ташкил этадиган уч қаватли муҳташам Болалар ижодиёти уйининг қуйи қаватида фарзандларимиз ижодидан намуналар намойиш этиладиган Кўргазмалар зали, шунингдек, драматик ва тасвирий санъат, бичиш-тикиш ва қандолатчилик сирларини ўргатадиган турли хил тўгараклар, соғломлаштириш хоналари фаолият юритиши мўлжалланган.

Бинонинг иккинчи қаватидан болалар кутубхонаси ва шеърият клуби ўрин олади, бу ерда истеъдодли ўғил-қизларимиз китоб мутолаа қилиб ўз билимларини оширади, мушоиралар, турли учрашувлар ва ижодий кечалар ўтказишади. Ушбу қаватда яна техник ижод уйи, бадиий ҳунармандлик тўгараги бўлиб, буларнинг барчаси ёшларга ўзи севган машғулот билан шуғулланиши учун қулай имконият яратиб беради.

Давлатимиз раҳбарининг ғоясига кўра, Болалар ижодиёт уйининг шифти кунгурадор гумбаз шаклида барпо этилади ва у бинога миллий қиёфа бағишлаш билан бирга, ичкарининг ёруғ ва баҳаво бўлишини таъминлайди.

Бинонинг ўзига хос айланма зиналаридан чиқиб бориладиган учинчи қаватида сиз ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлишингиз мумкин. Бу ерда Томоша майдончаси бўлиб, ундан бутун пойтахтимиз манзараси кафтдагидек яққол кўриниб туради.

Бундай томоша учун бутун шаҳардан болалар оқиб келади, албатта. Агар сиз уларга: "Мана шу "Жар" спорт мажмуи ўрнида бир вақтлар ҳайҳотдек жар бўлган, Олий Мажлис биноси ўрнида эса эгри-бугри, тор кўчалар, пастқамгина уйлар бўлган, кўчаларга бир автоулов кирса, бутун йўл тўсилиб қолган", десангиз, ишонармикан?

Шу ўринда кўпчиликнинг муҳокамасига сабаб бўлган Болалар ижодиёти уйига дахлдор бир воқеага тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Пойтахтимизнинг бош режасини лойиҳалаштириш институти директори В.А.Акопжаняннинг ҳикоя қилишича, давлатимиз раҳбари Эски шаҳарнинг маркази бўлмиш Эски Жўва майдонида яхлит меъморий ансамбль яратиш ғоясини илгари сурди. Лекин атрофдаги иншоотларни ўзаро боғлаб турувчи марказий иморат қандай бўлиши, у қаерга қурилиши ва нима мақсадга хизмат қилиши керак, деган масала барчани ўйлантириб қўяди.

— Ўшанда турли таклифлар айтилган, — дейди Валерий Ашотович. — Биз масаланинг ечимини топиш учун ўша иншоотларни бўлғуси ансамбль марказига қўйиб, ўзимизча тасаввур этиб кўрганда ҳеч кўнглимиз тўлган эмас, чунки нимадир етишмаётгани шундоқ сезилиб турар эди. Ислом Абдуғаниевич Эски Жўва майдонидаги ишлар билан танишиш жараёнида марказий иншоот барпо этилиши лозим бўлган жойни бориб кўрсатди. Бу бир вақтлар ҳарбий комиссариат жойлашган бинонинг ўрни бўлиб, Эски шаҳар ҳудудининг энг баланд нуқтаси ҳисобланади. Юртбошимиз Қодирий номидаги истироҳат боғида барпо этилиши кўзда тутилган Болалар ижодиёти уйи айнан мана шу жойда қад ростласа, бутун моҳият эътибори ва миллий меъморий кўриниши билан ансамблга ўзига хос уйғунлик ва улуғворлик бағишлашини таъкидлади. Ҳар томонлама чуқур ўйланган мана шу ғоя бирдан тасаввуримизга ойдинлик киритди, бўлажак меъморий ансамбль яхлит ҳолда кўз олдимизда намоён бўла бошлади.

Қўқонлик машҳур уста Абдуғани Абдуллаев ҳам худди шундай таъсирчан бир воқеага гувоҳ бўлганини сўзлаб берган эди.

2002 йилнинг 14 октябрида давлатимиз раҳбари Бухородаги Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуини тубдан қайта таъмирлаш, унинг тарихий қиёфасини тиклаш ва янада обод этиш масаласини илгари сурди. Бу хайрли ишда мамлакатимизнинг кўзга кўринган усталари қатори Абдуғани ака ҳам иштирок этган.

— Зиёратгоҳ ҳовлисининг ғарби ва шимолида жуда қадимий, мўъжаз айвонлар бор эди, — деб ҳикоя қилади у. — Бизга ҳовлининг қолган томонларида ҳам худди ана шундай нақшинкор айвонлар барпо этиб, меъморий жиҳатдан мутаносиб ансамбль ҳолига келтириш вазифаси юкланди. Бунинг бир қийин томони бўлиб, пойдеворни шундай олиш керак эдики, янги ва эски айвонлар ҳар томонлама уйғунлашиб кетиши зарур эди. Бу бизни кўп ўйлантирган.

2003 йилнинг 31 июлида Юртбошимиз келиб, зиёратгоҳда амалга оширилаётган ишлар билан атрофлича танишгач, янги айвон қаерда барпо этилиши масаласи алоҳида муҳокама этилди. Шунда Ислом ака, мен бу ҳақда жуда кўп ўйладим, назаримда, мана шу жойга пойдевор қўйиш керак, деб унинг ўрнини белгилаб берди.

Қурувчилар ишга киришгач, ҳайратдан ёқа ушлаб қолишди. Чунки айнан Президентимиз кўрсатган жойда XV — XVI асрларда қўйилган эски пойдевор бўлиб, у тупроқ остида қолиб кетган экан.

Эҳтимол, бу томонда ҳам айвон бўлиб, кейинчалик бузилиб кетгандир, эҳтимол, яхши ният билан пойдевор қўйилиб, ишни охирига етказиш насиб этмагандир?! Ҳар ҳолда, нима бўлганда ҳам, бунда теран бир ҳикмат борлиги шубҳасиз эди...

Эски шаҳарда босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг тобора такомиллашиб боришида ҳам ана шундай бир ҳикмат ҳосиласини кўриш мумкин, албатта.

Эски Жўва майдонида яна бир ўзига хос ноёб иншоот — "Моделлар уйи" ҳам қад ростламоқда. Унда янги либослар ва мамлакатимиз енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқилган газмоллар намойиш этилади. Бинонинг иккинчи қаватида кафетерий, болалар учун махсус дам олиш хоналари фаолият кўрсатади.

Вақти келиб, бу сарой Ўзбекистон модалар индустрияси юзага келишига хизмат қилса, ажаб эмас. Чунки юртимиз юксак сифатли текстиль маҳсулотлари мамлакатига айланиши учун барча асослар мавжуд ва бу борада катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозир эса бу ҳудудда келажак қурилишлари билан бирга, кўп-кўп кўкаламзор майдончалар яратилмоқда, йўл четига икки қатор манзарали дарахтлар экилмоқда. Эски Жўва бозори марказида эса бир-биридан чиройли қатор гумбазли тимлар барпо этилди. "Болалар дунёси" дўкони билан собиқ "Октябрь" ресторани биноларини ўзаро уйғунлаштириш мақсадида таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Маълумки, Юртбошимиз Эски шаҳардаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари билан шу йил мобайнида бир неча бор танишар экан, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғини тубдан қайта реконструкция қилиш ва ободонлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бу ерда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан зарур йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берган эди. Бугун ана шу асосда ишлаб чиқилган лойиҳа бўйича 20 гектардан зиёд майдонни ташкил этган ушбу истироҳат боғида кенг кўламли қурилиш, таъмирлаш ва ободончилик ишлари қизғин паллада.

— Бу сўлим боққа хориждан замонавий аттракционлар олиб келиб ўрнатиб, уни шундай обод қилишимиз керакки, кўрган одамнинг ҳаваси келсин, — деган эди Президент Ислом Каримов. — У ҳар томонлама улуғ адибимиз номига муносиб бўлсин ва ёшларимиз тарбиясига хизмат қилсин.

Қодирий боғининг учта дарвозаси бўлиб, улар миллий меъморий анъаналар асосида бунёд этилади. Ҳозир боғ ҳудудида 5059 квадрат метр саҳнга эга чўмилиш ҳавзаси қурилаётир. Уч қисмдан иборат бу ҳавзага сув ер остидан, 120 метр чуқурликдан олинади, сўнг яна бир бор қайта тозаланиб, ҳавзага қуйилади. Шунингдек, ҳавзада иккита фаввора ҳам ишлаб туради, бу унга алоҳида кўрк ва чирой бағишлайди. Айниқса, боғни ёритиш ва суғориш тизимлари, яшил майдончалар беками-кўст бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Узунлиги 119 метрни ташкил этиб, қирғоқларига қизғишранг тош ётқизилаётган ариқ эса боғда иқлимнинг мўътадил бўлишига хизмат қилади. Режага мувофиқ боғдаги йўлаклар, яшил майдончалар ҳам ўзига хос жозибали кўриниш касб этади.

Боғда иккита амфитеатр барпо этилмоқда, 2000 ўринли амфитеатрда байрам тантаналари ва концертлар ўтказилса, 420 ўринли амфитеатрда миллий кураш бўйича мусобақалар ташкил этилади.

Бу ерда қурилаётган 14 та ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 8 та замонавий аттракцион ва кўркам чойхона шаҳримиз аҳлининг ихтиёрига берилади.

Чорсу бозори ҳудудидаги қурилишлар ҳам кишини ҳайратга солади. Ҳозир бу жойда ҳам гўзал бир фаввора барпо этилаётир. Ушбу бозордаги замонавий савдо дўконлари, ўзига хос "Миллий кийимлар" растаси, "Қовун-тарвуз", "Гўшт", "Улгуржи сабзавот" ҳамда "Миллий таомлар" шохобчалари наинки ташқи қиёфаси, балки ички шарт-шароити, шинамлиги билан ҳам ажралиб туради.

Шу кунларда Эски Жўва майдони чинакам бунёдкорлик марказига айланган. Бу ерда ҳар бир иш мазкур ҳудуднинг рельефи паст-баланд эканини инобатга олинган ҳолда амалга оширилмоқда. Ҳозир қад ростлаётган иншоотлар, таъмирланаётган бинолар сайқал топиб, ободончилик ишлари охирига етгач, кичик архитектура шакллари, манзарали дарахтлар, яшил майсазорларнинг барчаси уйғунлик ва бир бутунлик касб этиб, ўзига хос кўркам ва бетакрор шаҳарча вужудга келади.

### Инсон бир кун билан яшамайди

Шу ўринда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси Азамат Тўхтаев айтган бир гапни эслаб ўтиш жоиз. "Мен 1992 йилдан бери Юртбошимизнинг бутун мамлакатимиздаги, жумладан, пойтахтимиздаги қурилишларга доир таклиф ва мулоҳазаларини, кўрсатма ва ғояларини ҳаётга татбиқ этишда иштирок этиб келаман, — дейди у. — Ҳар гал Ислом Абдуғаниевичнинг узоқни кўра билиши, энг мураккаб шароитда ҳам ягона тўғри йўлни кўрсатиб бериши мени ҳайратга солади. Баъзан ҳадеганда биз у киши илгари сурган ғояни чуқур англаб етмаган ҳолатлар ҳам бўлган, аммо бир оз вақт ўтиши билан ўша таклиф ёки тавсия нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи амалда кўрсатган. Бунинг бир мисоли сифатида Эски шаҳарда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини айтиш мумкин. Улар бир-бирини тўлдириб, яхлитлик касб этиб бораётгани бугун тобора яққол намоён бўлмоқда".

Бунинг сири шундаки, давлатимиз раҳбари ҳар қандай масалада ҳам доимо узоқни кўзлаб фикр юритади ва шу асосда қарор қабул қилади. У киши қайта-қайта таъкидлаганидек, биринчидан, пойтахтимиз Тошкент собиқ иттифоқ даврида ҳам, ҳозир ҳам ўз ҳудуди бўйича Москва шаҳридан кейин иккинчи ўринда туради. Азим шаҳар. Шарқ дарвозаси. Буни унутмаслик лозим. Иккинчидан, бир ишни бошлашдан аввал келажакни, камида эллик-олтмиш йил олдинни кўзда тутиб, кейин унга қўл уриш керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, Эски шаҳарни тубдан ўзгартириш билан боғлиқ масала Ислом Каримовнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Ушбу қурилишга тааллуқли лойиҳалар у кишининг раҳбарлигида ўнлаб маротаба атрофлича муҳокама этилди. Президент лойиҳаларга ҳар сафар ҳал қилувчи ўзгартиришлар киритиб, уларни такомиллаштириш юзасидан ғоят оригинал ва асосли ғоялар, таклиф-мулоҳазалар билдирди. Эски шаҳарда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар айнан шу талаб асосида, юксак дид, ихлос ва меҳр билан сидқидилдан адо этилмоқда.

Айниқса, Зарқайнар, Сағбон ва Қодирий кўчаларига олиб чиқувчи янги транспорт йўли шу қадар текис, равон ва мукаммал этиб қурилмоқдаки, бу ҳақда гапирмаслик мумкин эмас. Илгари қатнов учун ноқулай бўлган тор ва паст-баланд йўл ўрнида шундай кенг ва равон, сертармоқ магистраль барпо этиш озмунча куч, маблағ ва диққат-эътибор талаб қилмайди. Масалан, бу ҳудуддаги йўлларни бир маромга келтириб текислаш учун йўлнинг айрим қисмлари қарийб 4 метргача кўтарилди, жами 43409 куб метр ҳажмда тупроқ ишлари бажарилди. Йўлнинг ҳар икки тарафи яшил майсалар билан қопланди. Йўловчилар учун йўлак, ер ости ўтиш жойи, телефон, сув пуркагич ҳамда ёритиш тизимлари барпо этилди.

Худди шунингдек, бугун Ўзбекистон кўчаси бўйлаб Марказий темирйўл вокзали томонга ўтар бўлсангиз, Тарас Шевченко кўчасининг бутунлай ўзгариб кетган янги кўриниши сизни ҳайратга солади. Бу муболаға эмас. Илгари транспорт қатнови учун ўта ноқулай бўлган бу кўча тубдан қайта таъмирланди. Натижада кенглиги 30 метр, узунлиги эса 2050 метрни ташкил этувчи замонавий автомагистраль вужудга келди.

Бу шинам йўл пойтахтимиз дарвозаларидан бири бўлмиш Марказий темир йўл вокзалига олиб боради. Вокзал атрофида ҳам давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаси асосида ушбу ҳудудни тубдан реконструкция қилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Ҳозир вокзалнинг маъмурий ва ёрдамчи биноларини замонавий талаб даражасида қайта таъмирлаш, йўловчилар учун ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиш, хусусан поездлар тўхтайдиган перронларга олиб чиқувчи усти ёпиқ йўлаклар қуриш, кутиш жойлари, йўлкалар, фавворалар барпо этиш, мухтасар айтганда, вокзални жаҳон андозалари асосида бунёд этиш ишлари давом этмоқда. Шу билан бирга, вокзал атрофида яшил майдонлар яратилиб, йўллар ва кўприк кенгайтирилди.

Айни шу кунларда Усмон Носир кўчаси билан Тошкент халқа йўлининг 61-километрида ҳам кенглиги 40 метрни ташкил этган улкан кўприк барпо этилмоқда ва фақат шу ҳудуднинг ўзида 2700 метр масофадаги йўллар таъмирланмоқда.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг шу йил апрель ойида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз пойтахтнинг қон томири ҳисобланган йўллар ҳолатига эътибор қаратиб, транспорт қатновини тўғри ташкил этиш ва экологик аҳволни яхшилашга доир долзарб масалаларни кун тартибига қўйган эди. Шундан келиб чиқиб, Сирғали тумани ҳудудида барпо этилаётган ушбу кўприк вилоятлардан келаётган оғир юк машиналари шаҳримизга кирмасдан халқа йўли орқали тўғри ўтиб кетишини таъминлайди. Бу эса шаҳарнинг экологик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, транзит юк ташишнинг самарадорлиги ошишига замин яратади.

Шуни айтиш керакки, фақат ўтган олти ой ичида пойтахтимизда 17 миллиард сўмликдан ортиқ бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Дарҳақиқат, шиддатли замонга басма-бас яшаш ва яратиш туйғуси шаҳримиз ҳаётида жуда яққол сезилади. Ва бизнинг кўз ўнгимизда бўлаётган мислсиз ўзгаришлар қуриш, яратиш ишининг фидойиси бўлган оловқалб бир авлодни тарбиялаб вояга етказса, ажаб эмас.

— Мен қирқ йил қурувчи бўлиб ишлаганман, — дейди эскишаҳарлик оқсоқол Ислом ота Содиқов. — Гапнинг очиғи, бир кун келиб Тошкент шундай яшнаб-яшариб кетади деб ҳатто ўйлаган эмасман. Пойтахтимизнинг бу даражада юксалиши, кундан-кунга обод ва кўркам бўлиб боришида кўпчиликнинг ҳиссаси бор, албатта, лекин халқимиз бу ишларнинг асосий ташаббускори ва бош меъмори Ислом Каримов деб билади. Нимага десангиз, биз тенгилар эсимизни таниганимиздан буён республиканинг бирон-бир раҳбари пойтахт учун бунчалик жон куйдирганини, ўзи ҳар бир иншоотнинг лойиҳасини чизиб, қимматли фикрлар, зарур маслаҳатлар бериб, ўзи жой танлаб, бориб қурилишнинг тепасида турганини кўрган эмас!..

Отахоннинг фикрига қўшимча қилиб шуни айтиш керакки, Президентимизнинг юрт ободлиги йўлидаги бундай беқиёс хизматларини нафақат пойтахтимизда, балки мамлакатимизнинг барча вилоятлари, йирик шаҳарларида бунёд этилган қурилишлар ва ободончилик ишлари мисолида яққол кўриш мумкин.

Кундан кунга чирой очаётган бепоён Эски шаҳарни айланар экансиз, беихтиёр халқимиз ҳаётида чуқур из қолдирган унутилмас сиймолар ўз вақтида мана шу кўчаларни тўлдириб юргани, бу ерда ўлмас санъат дурдоналари ва мумтоз асарлар яратилгани хаёлингиздан ўтади. Табиийки, бу асарларда уларнинг кўнглидаги ёлқинлар ва орзу-умидлари ўз ифодасини топган. Агар, ёдингизда бўлса, бундан ярим аср аввал донишманд шоиримиз Мақсуд Шайхзода «Тошкентнома» деган бир достон ёзган эди. Унда халқимизнинг, хусусан, Тошкент аҳлининг дарёдиллиги тараннум этилган. Мана шу табаррук заминни, азим Тошкентимизни доимо чексиз бир меҳр билан эъзозлаган устоз шоир шаҳримизни Шарқу Жанубдаги шавкатли пойтахт, Қуёш юртининг ёруғ дарвозаси, деб улуғлайди.

*Ўзбекистон - тан,*
*Тошкент-чи - юрак.*
*Шарқнинг улуғвор дарвозаси у,*
*Нур деразали кошонаси у.*

Бунда шоирнинг пойтахтимизга обрў-эътибор ва юксалиш тилаб, уни ўзи қандай гўзал қиёфада кўришни истаса, худди шундай баланд пардаларда тараннум этгани намоён бўлади. Шу билан бирга, Мақсуд Шайхзода дилидаги армону тилакларни ҳам шеърий сатрлар қатига сингдириб ўтади:

*Жин кўчалар, эгри-бугри маҳаллалар ўрнини*
*Замонга уйғун янги иморатлар эгаллар.*
*Шу яғрини чўнг шаҳарнинг ўзига боп тўнини*
*Ўзбекнинг ўз услубида меъморлари тикарлар...*

Ҳароратли ушбу сатрлар ёзилганидан буён ҳам қанча сувлар оқиб ўтди. Қаранг, достон хотимасида шоир ният қилганидек, эллик йил ичида эл ўзгарди. Ва бугун сиз гўзал пойтахтимизнинг доимо ҳаёт қайнаган кўркам ва хушманзара кўчалари бўйлаб сайр қилсангиз, у тинчлик ва тараққиёт йўлида собит эканига, мумтоз шоиримизнинг эзгу орзу-тилаклари эса ҳаётий ҳақиқатга айланиб бораётганига яна бир бор гувоҳ бўласиз...

**Ғаффор ҲОТАМОВ,**
**Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ.**



Чорсуда барпо этилган текис ва равон янги йўл.



Марказий темир йўл вокзали олди ҳам ўзгариб бормоқда.




КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.

# МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

*XIX асрнинг машҳур француз композитори ва дирижёри Ф.Буальдье «Комедье-Франсьез» театрида муқим ўрин тутарди. Бир куни оқшом палласи машҳур композитор «Комедье-Франсьез» театрининг ёнидан ўтаётиб, унга киришга аҳд қилди. Илгарилари бу театрга кирмаган Буальдье чипта текширувчига ўзини таништирганида, унга бошдан оёқ термулиб деди:*

*— Бу қанақа таништирув жаноб? Биз жаноб Буальдьени жуда яхши танимиз. У ҳар кеч бу ерга ташриф буюради. Ҳа, айтганча бугун ҳам у бизнинг меҳмонимиз.*

*— Эҳ, жуда яхши. У ҳолда авф этгайсиз. Сиздан илтимос менга унинг ёнидаги ўринга чипта топиб берсангиз. Мен у билан танишишни жуда истайман.*

*Томоша бошланишидан олдин ҳақиқий Буальдье ёнидаги кишига:*

*— Кечирасиз, — деди жилмайиб, — сиз ростдан ҳам Буальдьемисиз?*

*— Бироқ... жаноб, — деди Буальдьенинг қўшниси ташвишланиб, — мана 50 йилдирки, мен ҳар куни шу ном билан аталиб келяпман, ўйлашимча Буальдье мен бўлсам керак.*

# ФАВҚУЛОДДА «ҲОДИСАЛАР»

◆ Кенжатойимизни ҳеч қандай совғасиз боғчага олишди.

◆ Таннозхон меҳмонга пардоз қилмасдан борди.

◆ Бўлажак келин, бўлғуси куёвдан никоҳдан ўтиш маросими куни битта машинада келишини илтимос қилди.

◆ Қишлоқдаги ҳаммомни қурувчи акаларимиз тез ва сифатли қуриб, фойдаланишга топширдилар.

◆ Почтачимиз яхши ишлагани учун газета ва журналларни ўз вақтида ўқиб турибмиз.

◆ Участкамиз ишбошиси, мана неча йиллардан бери ўзига биронта «кулба» сола олмаяпти.

◆ Кеча жаҳл устида лаганбардор ходим ўз бошлиғини қаттиқ танқид қилиб, бугун кечирим сўраб юрибди.

◆ 50 йил жамоа хўжалигида сувчи бўлиб ишлаган Йўлдош отани тантана билан қарилик таътилига кузатдилар ва бепул «Жигули» автомашинаси билан мукофотладилар.

◆ Тўйларимиз спиртли ичимликларсиз ўтиб, қистир-қистирлар бўлмаганидан, саёқ отарчилар бениҳоя хурсанд бўлмоқдалар.

## Йўлдаги ҳангомалар

### ЧУВ ТУШИРГАН ЧУВРИНДИ

Бир куни ёшроқ йўловчи вокзалда машинамга ўтирди. Ўтирдию «Чилонзорга» деди. Йўл кира ҳақи қанча бўлади, деб сўрамади ҳам, савдолашмади ҳам. Одатда баъзи одамлар кира ҳақини сўраб,савдолашиб ўтиришмайди, манзилларига етишганда тегишли ҳақни бериб тушиб кетаверишади. Олдинига бу йўловчини ҳам шу тоифадан деб ўйлабман, аммо бироз юргандан кейин сал назаримни ташласам чувриндироқ. Кўнглимга бир нима келди, аммо «тўлашга пулинг борми?» деб сўрасам иззат-нафсига тегиб кетаманми, деб индамадим. Бекор қилган эканман. Йўловчим Чилонзорга етгач уёқ-буёққа деб ички кўчалардан анчагача олиб юрди, кейин бир уйнинг олдида тўхташимни сўради. «Шу ерда бироз кутиб туринг» деди-ю уй эгасини чақириб у билан анчагача нималарнидир гаплашди. Иши битмади-ёв, чунки уй эгаси нималардир деб қўлини силтаб уйига кириб кетди, йўловчим эса серрайганича қолди. Мен сигнал чалиб уни чақирдим ва ҳисоб-китоб қилишини сўрадим. У эса «ҳозир-ҳозир» дердию пул чиқаргани шошилмасди. Афтидан унинг ҳеч вақоси йўқ эди. Аммо анчагина юриб қўйилган, бунинг устига уни хийла кутдим ҳам. «Хўш, нима гап ўзи?»-деб сўрасам, йўловчим бўзрайганча: «Менда пул йўқ, ҳалиги одамдан олишим керак эди», деди. Боплаб бир сўкиб кетмоқчи эдим, аммо сўкмадим. Ахир Абдулла Қаҳҳор айтганидай «чувринди ҳам ўзи бўптими, Худо қилганда...» Бу гапни атоқли ёзувчимиз келгинди ҳақида айтувди шекилли,аммо нима фарқи бор... Индамасдан машинамни юргаздим, мени иложи йўқликдан чув туширган чувринди ўша ерда серрайганича қолди.

### АНА ТАНИШУ МАНА ТАНИШ

Йўлда юрсанг кимларга дуч келмайсану қанақа гапларни эшитмайсан киши... Машинамга ўтирган икки йўловчи ҳам ўзаро бемалол суҳбатлашиб боришаркан, гап уларнинг бир умумий танишларига келиб тақалди. Ҳикоя қилувчи ўша одамнинг ниҳоятда ишбилармонлигидан, «шохида эмас- баргида юриши»дан сўз очиб қолди. Унинг ҳикоя қилишича ўша танишлари қандайдир бир каттароқ бошлиқнинг олдига бир иш билан киргану, аммо иш битмаган. Ҳалиги одам ўз ишини битириш учун танишларидан ёрдам сўраган,улар эса ўз навбатларида ҳалиги бошлиққа қўнғироқ қилишган. Ҳалиги одам ўша бошлиққа яна рўпара бўлганида бошлиқ унга:

- Менга сенинг тўғрингда ҳокимиятдан қўнғироқ қилишди, вазирликдан қўнғироқ қилишди, банкдан қўнғироқ қилишди, билдим, танишларинг кўп экан. Қўнғироқ қилмаган битта гўрков қолди холос, афсуски гўрковдан танишинг йўқ экан-да,-деб истеҳзо қилибди.

-Нега бўлмас экан, бор. Чиғатой қабристонининг гўркови танишим, бирор иш-пишингиз бўлса бемалол айтаверинг,-дебди ҳалиги одам.

Ҳикоя шу ерга келганда уни айтувчи ҳам, эшитувчи ҳам кулиб юборди, мен ҳам беихтиёр бу кулгига қўшилдим.

Шунга айтадиларда «Танишинг кўп бўлса, чангалда шўрва...» деб.

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ**

# Хандалар

*Бетоб ётган миллионер ўзини даволаётган докторга деди:*

*— Ҳурматли дўстим, энди мен сизга ҳар келишингизга пул тўламасликка қарор қилдим. Унинг ўрнига сизнинг номингизни васиятномамга қўшиб қўйдим.*

*— Жуда соз, — деди шифокор. — Катта раҳмат, фақат ҳозир ёзиб берган дори ёрлиғини бир дақиқага бериб турсангиз. Унда ниманидир тузатиш керакка ўхшайди.*

* * *

*Бир шифокор ўзи даволаган одамни кўчада учратиб қолди.*

*— Ишлар қалай? — сўради у, — соғлиқларингиз яхшими?*

*— Жуда зўр, доктор. Мен сиздан миннатдорман. Берган доringиз уч кундан кейин мени оёққа турғазди.*

*— Қаранг-а. Унда ўша доридан ўзим ҳам ичиб кўрсам бўларкан.*

* * *

*— Ҳамшира, доктор сизга менинг нима касалга йўлиққанимни айтмадими?*

*— Йўқ. Доктор фақат «диагнозни ичини ёргандан кейин қўяман» деб айтди.*

* * *

*Кечқурунги кўрикда шифокор ухлаётган беморни турткилаб уйғотаётган ҳамширадан сўради:*

*— Беморни нега уйғотяпсиз, у қаттиқ ухлаяптику.*

*— Мен унга ухлатадиган дори беришни унутибман.*

* * *

*Бир аёл боласи йўқлигидан шикоят қилиб паришонхотир шифокорнинг олдига кирди.*

*— Балки бу ирсий касалликдир? — сўради шифокор. — Айтингчи, онангизнинг боласи бўлганмиди?*

* * *

*Ёши ўтинқираган аёл шифокорга дебди.*

*—Тиббиётнинг бениҳоя ривожланиб кетганини қаранг, ёшлигимда ҳар бир шифокорнинг ҳузурига кирганимда ечинишим лозим эди. Энди эса тилингни кўрсатсанг, бас.*

Фозилжон билан Салимжон беш қаватли уйнинг бир йўлагида жойлашган 2 ва 4-хоналарда яшашади. Паст-баланд хоналарда яшовчи бу оилалар кўчиб келишибдики, бир-бири билан иноқ, аҳил. Кунора гоҳ униси, гоҳ бунисиникида улфатчилик. Шишадош дўстларнинг аёллари шунга кўникиб қолишган. Ишқилиб кўча-кўйда ичиб, масталаст юргандан кўра, ҳар қалай уйда, ўз оиласи олдида ўтиришади-ку, деган мақсадда эркакларнинг улфатчилигига монелик қилишмайди. Фақат Салимжоннинг аёли Озодахоннинг (уларнинг фарзандлари йўқ) одати қизиқ. У ҳар гал у-бу олиб кириб столга қўйганида эридан яширинча Фозилжонга ғалати қараш қилади. Ҳижолат тортган Фозилжон ўзини билмасликка олади.

Инсон ҳаёти қил устида деганлари рост экан. Салимжон ногаҳоний юрак хуружидан тўсатдан вафот этди. Қадрдон оила бошига тушган кулфатдан Фозилжон қаттиқ азият чекди. Дўстининг барча маросимларига ўзи бошқош бўлди. Озодахон бундай пайтлар гоҳ куюниб, гоҳ жилмайиб Фозилжонга:

# КИРИНГ, МУЗДЕК ҚАТИҚ БОР

***Ҳажвия***

— Энди ўртоғингиз йўқлигини билдирмай бизникига кириб-чиқиб туринг. Ҳар қалай у кишини хотирлаб турсангиз руҳлари шод бўлади, —дейишини қўймади.

Фозилжон шундай қилди. Ўртоғининг йилидан кейин ҳам бу хонадонга ора-чора кириб Салимжоннинг хотирасини йўқлаб турди.

Бир сафар қизиқ бўлди. Эрини эслаб Озодахоннинг кўнгли озиб, бирдан Фозилжон томонга қулади. Фозилжон уни аранг тутиб қолди. Қўрқиб кетди. «Жонсиз гавда»ни кўтариб, зўрға диванга ётқизди. Озодахоннинг Фозилжоннинг бўйнига чирмашган қўллари ҳа деганда уни қўйиб юбормади. «Занжирбанд»ликдан аранг ҳоли бўлган Фозилжон: «Ҳозир Ҳожархонни чақираман, у сизга қараб туради» деганида Озодахон бирдан кўзини очди. «Керакмас, ўтиб кетади», дея Фозилжоннинг қўлидан тутиб қолди.

Шу куни Фозилжон бир алфозда уйига чиқиб кетди. Кейин Озодахон билан унинг кирди-чиқдиси ҳақида қўшнилар ўртасида ивир-шивир гап тарқалди. Нохуш хабар Ҳожархоннинг қулоғига етди. У шу куни бир нарсани сезгандек бўлдию, дамини ичига ютди.

Бир куни Фозилжон кечки пайт кайф билан уйга қайтди. Хонага кирса хотини йўқ. Сўраб-суриштирса болалари ойиси бозорга кетганлигини айтишди. Шу тобда негадир бирдан у дўсти Салимжонни эслаб қолди. Ўрнидан турди-ю, «Мен шу ердаман» деганича пастки қаватга тушди. Ўғли хавотирланиб унинг орқасидан чиқди. Отаси Салимжон амакисиникига кириб кетганини кўриб, кўнгли тинчиб уйга кирди.

Озодахоннинг кўзи чақнаб кетди. Худди эрини кутгандек Фозилжонни кутиб олди. Столга таклиф қилди. Ноз билан чой қуйиб узатди. Фозилжоннинг қаршилигига қарамай, қўлига бир пиёлаароқ тутди. Ўзи ҳам у билан уриштириб ичди-да, бирдан шарақлаб кулди.

— Сизга бир латифа айтиб берайми?

— Айтинг, эшитмаган номард.

— Бўлмаса эшитинг. Бир йигит узоқ бир қишлоққа қилган хизмат сафаридан қайта туриб, кеч тушиб қолгани сабабли бир хонадоннинг эшигини қоқибди.

— Хизмат, — сўрабди эшикни очган хушрўйгина жувон нотаниш йигитга ҳайрон тикилиб.

— Опажон, хизмат сафаридан қайтаётган эдим. Кечикиб қолдим. Марказга етиб боролмадим. Илтимос бир кеча уйингизда тунаб қолсам?

— Мен ёлғиз аёл бўлсам, сизни уйга киритсам қўни-қўшнилар нима деб ўйлайди.

— Йўқ, сиз хавотир олманг, мен жентельменман.

Жентельмен сўзи уч-тўрт марта қайтарилгач, аёлнинг кўнгли юмшаб, йигитга қўноқ учун жой беришга розилик билдирибди.

«Кечаси жентельмен йигит ҳузуримга барибир бостириб кирса керак», деб хаёллаган аёл туни билан эшикка олазарак боқиб мижжа қоқмабди. Йўқ, йигит кирмабди.

Жентельмен йигит эрталаб турса, ҳовлида 30 та хўроз, битта товуқ донлаб юрганмиш. Ҳайрон бўлиб бу ҳақда хонадон эгаси — аёлдан сўрабди.

— Бизнинг томонда битта хўроз бор жойда бир нечта товуқ боқишади. Сизларда бунинг аксини кўряпман. Сир бўлмаса нега бундайлигини айтсангиз?

— Ҳайрон бўлманг. Бу 30 та хўрознинг 29 таси сизга ўхшаган жентельмен, ичида биттаси хўроз, деб жавоб берган экан аёл. Хафа бўлманг ҳозирги эркакларнинг кўпи шунақа жентельмен, — дея кулги билан ҳикоясини тугатди Озодахон.

Фозилжон гап тагидаги нимкосани тушунди. Қони қайнаб шарт ўрнидан турди. Озодахоннинг устига бостириб борди...

Қалтис пайтда эшик қўнғироғи жиринглади. Нима қилиш керак? Озодахон жон ҳолатда Фозилжонни йўлакдаги ҳужрачага яширди. Эшик тагида турган кимсани уйга киритмаслик мақсадида худди чўмилаётган одамдек яланғоч баданини сочиқ билан ўраганича эшикни қия очди. Йўлакда титраб-қақшаб Ҳожархон турарди.

— Вой келинг қўшни, қаранг ўлсин энди бир чўмилиб олай деб ваннага кирган эдим-а. Уйга киринг десам ноқулай. Бироздан кейин чиқа қолай.

Озодахоннинг сўзи оғзида қолди. Ҳожархон хонага бостириб кирди.

— Эрим қани?

— Вой қўшни, бу нима дегангиз? Эрингиз қайдалигини сиз билмасангиз мен қайдан билай.

— Одамнинг ҳар нима бўлгани яхши. Яширманг. Уни шу ердалигини биламан.

Озодахоннинг «Ҳай ўлай, вой шарманда» деганига қарамай Ҳожархон худди моҳир изтопарлардек хонама-хона изғиб кетди. Унинг нигоҳидан диван таги, шкаф, ҳатто музлатгич ҳам четда қолмади. Йўқ, эри ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ. Аламидан ғазабини ичига ютиб чиқиб борар экан, йўлакдаги ҳужрача эшигини бирдан тортиб юборди. Қай кўз билан кўрсинки эри олдига қўйилган бир тоғора қатиққа юзини тутганича чўккалаб ётарди. (Шу куни Озодахоннинг қишлоқда турадиган ойиси шу қатиқни ташлаб кетган, музлатгичда жой бўлмагани учун Озодахон уни идиш-товоқ қўйишга мослаштирилган шу ҳужрачага киритиб қўйган эди).

Ҳожархон шармандаларча ётган эрининг аҳволини кўриб бақирмади, чақирмади, шаллақилик қилиб бошига тумонатни йиғмади. Фақат ғазаб билан ҳужрача эшигини қаттиқ ёпди. Рўпарасида қони қочиб турган Озодахоннинг юзига тупурганича аччиқ кўз ёш тўкиб чиқиб кетди.

Ҳожархон оила номусини сақлаб, бу шармандалик ҳақида ҳеч кимга оғиз очмади. Лекин Фозилжонни уйига киритмади. Орадан кунлар, ойлар ўтиб Фозилжон хотини олдида тиз чўкиб ялинди, ёлворди. Ҳожархон эрининг кўча-кўйда бир аҳволда юришини билиб, барибир унга ачинди. Фозилжоннинг астойдил тавба аралаш кўз ёш тўкканини кўриб унга ишонди. Нима қилсин, минг қилса ҳам болаларининг отасида.

Оила эндигина изга тушган шундай кунларнинг бирида Озодахон Фозилжонни автобус бекатида учратиб учирма гап қилди.

— Ҳа, жентельмен йигит, жа кўринмай кеттиз. Сизга нима бўлди? Хотиниз жиловлаб олди шекиллида. Бундай жиловизни бўшатган куни эски қадрдонлигимиз ҳурмати бизникига ҳам бир зум қўниб ўтинг. Қишлоқдан қатиқ келган, майли, бизга қиё боқмасангиз ҳам муздеккина қатиқ ичиб кетасиз,— шарақлаб кулди Озодахон.

— Раҳмат, — деди Фозилжон унга жавобан. —Ўша куни қатиққа мириқиб тўйганмиз. Унинг тўқи бир умрга етади опажон.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

**Саҳифа материалларини кулги устаси Валижон ШАМШИЕВ (Чаққонбек) ва ОҚШОМБЕКлар тайёрлашди.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

# «Toshkent shahar dori-darmon»

**Давлат очиқ акционерлик бирлашмаси молиявий хўжалик фаолиятига тегишли муҳим фактлар ҳақида**

## ХАБАРНОМА

**Хабарларнинг тартиб рақамлари -09, 10**
**Эмитентнинг тўлиқ номланиши:**
1. «Toshkent shahar dori-darmon» Давлат очиқ акционерлик бирлашмаси;
2. Манзили: Собир Раҳимов тумани, Уста Ширин, 1-берк кўчаси, 84-уй;
3. Умумий йиғилиш тури – навбатдаги, йиллик
4. АУЙ ўтказиш тартиби – очиқ;
5. Санаси – 2005 йил 29-июнь;
6. АУЙ ўтказилган манзил: Собир Раҳимов тумани, Уста Ширин, 1-берк кўчаси, 84-уй, бирлашма идорасида;
7. АУЙ кворуми 269906 та акция, 68,1%;
8. Овозга қўйилган масала ва масалалар бўйича овоз бериш натижалари ҳамда қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ ифодаланиши;

### Хабар № 9

**1. Кун тартибининг биринчи масаласи юзасидан:**
Бирлашма бошқарувининг ҳисоботи «қониқарли» деб баҳолансин ва тасдиқлансин;
«Тарафдорлар» - 269906 та, «Қаршилар» - йўқ, «Бетарафлар» - йўқ.
**2. Кун тартибининг иккинчи масаласи юзасидан:**
Бирлашманинг Янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансин;
«Тарафдорлар» - 269906 та, «Қаршилар» - йўқ, «Бетарафлар» - йўқ.
**3. Кун тартибининг учинчи масаласи юзасидан:**
Қуйидаги таркибда Кузатув кенгашининг ваколати бир йилга узайтирилсин;
«Тарафдорлар» - 269906 та, «Қаршилар» - йўқ, «Бетарафлар» - йўқ.
**4. Кун тартибининг тўртинчи масаласи юзасидан:**
Кузатув кенгашининг 2004 йилда қабул қилган қарорлари тасдиқлансин;
«Тарафдорлар» - 269906 та, «Қаршилар» - йўқ, «Бетарафлар» - йўқ.
**5. Кун тартибининг бешинчи масаласи юзасидан:**
Фойдаланмай ётган ва яроқсиз ҳолга келиб қолган автотранспорт воситалари белгиланган тартибда сотилсин ва йўқ қилинсин;
«Тарафдорлар» - 269906 та, «Қаршилар» - йўқ, «Бетарафлар» - йўқ.
**6. Кун тартибининг олтинчи масаласи юзасидан:**
2004 йил якуни бўйича берилган аудиторлик хулосаси тасдиқлансин;
«Тарафдорлар» - 269906 та, «Қаршилар» - йўқ, «Бетарафлар» - йўқ.
**7. Кун тартибининг еттинчи масаласи юзасидан:**
2004 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси ва фойда ҳамда зарарлар ҳисоб варағи тасдиқлансин;
«Тарафдорлар» - 269906 та, «Қаршилар» - йўқ, «Бетарафлар» - йўқ.
**8. Кун тартибининг саккизинчи масаласи юзасидан:**
Бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномаси 2006 йилнинг 29-июнигача узайтирилсин;
«Тарафдорлар» - 269906 та, «Қаршилар» - йўқ, «Бетарафлар» - йўқ.
**9. Кун тартибининг тўққизинчи масаласи юзасидан:**
Жамиятнинг 2004 йил натижалари бўйича кўрилган 1,3 млн. сўм даромадининг 191,75 минг сўми Давлат улуши ҳисобидан *(14,75%)* бюджетга ўтказилсин, қолган миқдори айланма маблағлар сифатида ишлатилиши тасдиқлансин;
«Тарафдорлар» - 269906 та, «Қаршилар» - йўқ, «Бетарафлар» - йўқ.
**10. Кун тартибининг ўнинчи масаласи юзасидан:**
**Жамиятнинг 2005 йил учун бизнес – режаси ва ва даромад ҳамда харажатлар сметаси тасдиқлансин;**
«Тарафдорлар» - 269906 та, «Қаршилар» - йўқ, «Бетарафлар» - йўқ.
**11. Кун тартибининг ўн биринчи масаласи юзасидан:**
Жамиятнинг янги Бошқаруви тасдиқлансин;
«Тарафдорлар» - 269906 та, «Қаршилар» - йўқ, «Бетарафлар» - йўқ.
**12. Кун тартибининг ўн иккинчи масаласи юзасидан:**
2005 йил учун бирлашма аудитори этиб, «AUDIT ASR ZARBDOR» масъулияти чекланган жамият тасдиқлансин;
«Тарафдорлар» - 269906 та, «Қаршилар» - йўқ, «Бетарафлар» - йўқ.
**13. Кун тартибининг ўн учинчи масаласи юзасидан:**
Янги ташкил этилаётган «Дори-дармон» Акциядорлик компаниясининг Устав жамғармасига бирлашманинг 14,75%дан иборат бўлган Давлат улуши берилсин;
«Тарафдорлар» - 269906 та, «Қаршилар» - йўқ, «Бетарафлар» - йўқ.

### Хабар № 10:

Мансабдор шахсларнинг таркибида ўзгаришлар :
Кузатув Кенгашининг таркибида ўзгариш бўлмади, ваколати бир йилга чўзилди:
**С.И. Имамов, акциядор**
**Т.Ю. Никулина, давлат вакили**
**Р. Э.Бареева, акциядор**
**Г. Филипова, акциядор**
**С.Алимов, акциядор**
**А.А. Борищенко, «ТашТамед фарма» қўшма корхонаси раҳбари**
**А.Агафонов, «Санавита ГмбХ» фирмаси вакили**
Бошқарувнинг эски таркиби:
1. **В.В. Зияева, бошқарув раиси**
2. **Э.Э. Мухамедьяров, бошқарув раиси ўринбосари**
3. **А.Р. Шеркузиев, бошқарув раиси ўринбосари**
4. **Г.З. Зокиров, бошқарув раиси ўринбосари**
5. **Н.Д. Клейменова, ходимлар бўлими бошлиғи**
6. **Р.У. Аҳмедова, бош ҳисобчи**
7. **О.О. Маҳмудов, бош иқтисодчи**
8. **М.М. Исмоилов, бош мутахассис**
9. **Н.М. Тошпўлатов, 33-дорихона мудири.**

Бошқарувнинг АУЙда тасдиқланган янги таркиби:
1. **В.В. Зияева, бошқарув раиси**
2. **Э.Э. Мухамедьяров, бошқарув раиси ўринбосари**
3. **А.Р. Шеркузиев, бошқарув раиси ўринбосари**
4. **У.Туйлиев, тижорат директори**
5. **Н.Д. Клейменова, ходимлар бўлими бошлиғи**
6. **Р.У. Аҳмедова, бош ҳисобчи**
7. **М.Каримбердиева, 73-дорихона мудири.**

## Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кибернетика институти қошидаги «Компьютер технологиялари» академик лицейи 2005-2006 ўқув йили учун ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳурматли иқтидорли ёшлар! Агар сиз, математика, физика, информатика, она тили ва адабиёт, инглиз тили фанларини чуқур ўзлаштиришни;

«ЭҲМ дастурчиси» ва «Компьютер графикаси бўйича оператор-дастурчи» мутахассиси бўлишни;

Фанлар академияси институтларининг малакали олимлари раҳбарлигида таълимнинг замонавий тизими ва технологияси воситасида билим олишни;

иқтисодиёт ва техника йўналишидаги истаган олий ўқув юртига киришни

хоҳласангиз, академик лицейимизга **МАРҲАМАТ!**

Академик лицейда ўқиш муддати 3 йил. Ўрта мактабнинг 9-синфини «яхши» ва «аъло» баҳоларга битирган ўқувчилар қабул қилинади. Ҳужжатларни топшириш муддати — 20 июндан 31 июлгача.

### Тақдим этиладиган ҳужжатлар:

Белгиланган шаклда директор номига ариза.
1. Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (нусхаси)
2. 086У — шаклидаги тиббий маълумотнома.
3. Турар жойидан маълумотнома.
4. Ҳудудий касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази тавсияномаси.
5. 9-синфни тугатганлиги ҳақида шаҳодатнома (асл нусхаси)
6. 3х4 см ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

**Ҳужжатлар ўқишга кирувчи томонидан шахсан тақдим этилади.**

***Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 34а-уй (Кибернетика институти биноси ёнида)***

**Тел: 162-82-90, 162-05-68**
**Транспортлар: 18, 17-троллейбуслар, 6, 13-трамвайлар, 17, 63, 83, 96, 129-автобусларнинг «Академик шаҳарча» бекати.**

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундирилиши учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомототранспорт воситаларининг очиқ ким ошди савдоси ўтказилади.

**2005 йил 27 июль куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади:**

1. «Ваз-21043» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 799 267 сўм, техник носоз;

2. «Хундай Старекс» автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 7.200.000 сўм, техник соз;

3. «Газ-2217-5304» автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 5.200.000 сўм, техник соз.

4. «Ваз-21061» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 J 80-95, бошланғич нархи 960000 сўм, техник соз;

5. «Камаз-5410» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 606, бошланғич нархи 2.055.559 сўм, техник носоз;

6. «Ярим тиркама» 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 53-44 ТН, бошланғич нархи 316530 сўм, техник носоз;

7. «Ссанг Енг муссо» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 26-81, бошланғич нархи 4.608.214 сўм, техник носоз;

8. «Газ-24» автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 F 49-11, бошланғич нархи 640.750 сўм, техник носоз;

9. «Ваз-2106» автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси Д 05-16 ТН, бошланғич нархи 772.667 сўм, техник носоз.

**2005 йил 16 август куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади:**

1. «Митсубиси Паджеро» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 15-25, бошланғич нархи 8.200.000 сўм, техник носоз;

2. «Москвич-412» автомобили, ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақам белгиси 30 Е 42-51, бошланғич нархи 350.000 сўм, техник носоз;

3. «ЮМЗ-6КЛ» автомобили, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 26-40 ЕГ, бошланғич нархи 335.781 сўм.

**Ким ошди савдолари соат 16.00 да бошланади.**

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ким ошди савдоси эълон қилингандан 3 кун кейин тўхтатилади.

Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.**
**Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.**

Тошкент шаҳар Акмал Икромов (ҳозирги Учтепа) туманидаги Toshkent qurilish kommynal kasb-hunar kolleji томонидан 2002 йил 21 июнда Иногамов Сардор Абдурашидович номига берилган К №012799 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
*газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.*
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95
ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

● Яхши дўст туганмас хазина.
● Одамлар билан шундай яшагинки, дўстларинг душман бўлмасин, душманларинг эса дўстга айлансин.
● Агар одам ўз ҳаёт йўлида яхши танишлар орттирмас экан, у тезда яккаланиб қолади.
● Кимки нуқсонсиз дўст ахтарса, дўстсиз қолади.
● Дўстдан кечгандан кўра сўздан кечган яхши.
● Қобуснома дўст танлаш ҳақида шундай дейилади: Эй фарзанд, билгинки, то киши тирикдир, дўстсиз бўлмағай. Кишининг дўстсиз бўлганидан биродарсиз бўлгани яхшидир. Бир донишмандан сўрадиларки: «Дўст яхшими, биродар?» Донишманд деди: «Дўст яхши».

Ҳамма вақт дўст тутмоқни одат қил. Чунки ҳар кишининг дўсти кўп бўлса айблари ҳам ошкор бўлмайди, фазилати кўпаяди. Лекин янги дўстни топганингда эски дўстингдан кечмагин. Улардан юз ўгирмагин, токи ҳамиша дўстинг кўп бўлсин. Масалан, шундай деганларки, яхши дўст кишига улуғ давлатдир.

Ақлсиз одамлар билан ҳаргиз дўст бўлмагин, ақлсиз дўст ақлли душмандан ёмонроқдир. Ақлсиз дўст шундай иш қиладики, ақлли душман уни қила олмайди. Олижаноб, мурувватли, илмли, вафоли кишиларни дўст тутгинки, сен ўзингнинг мурувватинг, шафқатинг, илминг билан машҳур бўлғайсан. Бемурувват, меҳр-шафқатсиз, илмсиз одамлар билан ўтирмагинки, бундай одамлар билан ўтиришдан кўра танҳолик яхшидир. Дўстларнинг ҳаққини асло бекорга кетказмагин, токи сени маломат қилмасинлар.

Қашшоқ бўлсанг, бадавлат билан дўстлашмагин, чунки қашшоқни ҳеч ким дўст тутмайди. Ўзингга лойиқ дўст ахтаргин. Агар сен бадавлат бўлсанг, қашшоқни дўст тутсанг раводир. Аммо халқнинг дўстлигига кўнгилни рост тутгил, токи ҳамма ишларинг тўғри бўлғай. Агар дўстингнинг кўнгли ҳеч қандай сабабсиз сендан қолса, яна қайтадан унинг кўнглини овлашга ҳаракат қилғил, таъмали, кин, адоватли дўстдан узоқ бўлғилки, унинг дўстлиги ҳақиқий эмасдир, балки таъма учундир. Ҳасадли кишиларга асло дўст бўлмағил, кин, адоватли киши дўстликка лойиқ эмасдир.

Байт:

**Яхши дўстинг сенга**
**ёмон истаса,**
**Ундан юз ўгир**
**ё бардошла сўзла.**
**У билан олишма,**
**сўкма, тортишма,**
**Шунда ҳам ярашиш**
**йўлини кўзла.**

«Сувсоз» трести Давлат унитар корхонаси маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси бош Бўзсув иншооти бошлиғи Патхулла Ҳидоятовга отаси

**Ҳидоят ИНОЯТОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзмап Ойп» Ўзбекистон-Малайзия қўшма корхонаси жамоаси, ушбу корхона Бош ижрочи директори Абдужамил Содиқович Содиқовга акаси

**Васил СОДИҚОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

## ЛОҚАЙДЛИК БАЛОСИ

Хонадонда ўғирлик содир бўлди. Бунга фақат оиланинг лоқайдлиги сабаб бўлди...

Эшик қўнғироғи устма-уст жиринглади. Ўрта ёшлардаги аёл эшикни очиши билан узун бўйли йигит ичкарига бўй чўзди.

— Ҳайдар аканинг уйлари шуми?

Уй бекаси йигитнинг саволи ва бежо қарашларидан бир сесканиб тушди.

— Янглишдингиз ука, Ҳайдар акангиз бу уйда турмайдилар, — деди аёл тезда ўзини тутиб олиб.

— Нега ахир, 19-хонадонда тураман деган эдиларку. Наҳотки...

Шу чоғ остонадан ичкари ҳатлаган йигит рўпарадаги уй жиҳозларига тезда кўз югуртириб олди.

—Бу нечанчи даҳа ўзи?

— 12.

— Эй, шунақами, мен 15-деб ўйлабман, кечирасиз.

Шундай дея йигит ташқарига йўл олди. Аёл турли хаёлларга борган бўлса-да, бу ҳақда ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очмади. Эрига ҳам индамади. Шундай ҳам рашкчи эри: «Бегона эркак нега адашиб кўшнинikiга эмас, бизникига келиб қолади. Яна ҳеч ким йўқлигини пойлаб», деб тонг отгунча бошини қотиради.

Орадан уч кун ўтиб нақ пешин пайти эшик қўнғироғи жиринглади. Аёл очса бу гал бошқа йигит. Униси «Аҳмад акасини» қидириб келибди. Яна ўша сўроқ, ўша олазараклик. Бу гал ҳам аёл дамини ичига ютди.

Эртасига у дўконга рўзғор буюмлари хариди учун кетганда, уйда ўғирлик содир бўлди. Пул, тилла тақинчоқлар, магнитофон ва бошқа қимматбаҳо буюмлар йўқолди. Бир зумда ҳаммаёқ тўс-тўпалон бўлиб кетди. Кўнгли озиб қолган аёл терговчиларга бегона кишиларнинг сўроқлаб келганини, ўша икки йигитнинг қиёфасини зўр-базўр тушунтириб берди.

— Шундай экан нега бу ҳақда бизга олдин хабар қилмадингиз ёки бирон кишига, ҳеч бўлмаса эрингизга айтмадингиз?

Терговчининг бу саволига аёл:

—Мен бундай бўлишини кутмаган эдим, — деди бошига муштлаб.

Лоқайдлик оқибати шундай тугади.

## КЕЧИРИМЛИ БЎЛАЙЛИК

**Мен инсонман деган улуғ фикр-ла,**
**Ҳамиша кўксимни тутаман баланд.**

Донишманднинг бу сўзларидан кўриниб турибдики, инсон — бутун бир олам, у дунё безаги. Инсоннинг хислат ва фазилатлари жуда кўп. Улардан бири ва энг муҳими кечиримли бўлишдир.

Кечиримли кишиларнинг оғир-босиқликлари, ўзларини тута билишлари унинг кимлигини белгиловчи омил. Одатда кечиримли кишилар сермулоҳаза бўлиб, ақл-фаросат билан иш юритишади.

Кечиримлилик аввало кишининг ўзини тута билиши ва бошқара олишида намоён бўлади. Турли шароитда, хоҳ оғир, хоҳ енгил бўлсин, ўзини вазмин тутадиган кишилар бамаъни ҳисобланадилар. Бундай инсонлар ҳиссиётга ортиқча берилмайдилар, арзимас бир гап учун жиззакилик қилиб, бировни ранжитмайдилар, вазиятни ақл тарозусида тортиб, кейин хулоса чиқарадилар.

Қизиққонлик, аччиқланиш, ғазаб отига миниш, шошма-шошарлик, ўйламай қилинган иш кечиримлиликка зарба беради, кишини бебурд қилади. Дарҳақиқат, ўзини тута билишда, босиқликда гап кўп. Унинг меваси ширин, натижаси шарафлидир. Бу ҳақда буюк бобомиз Алишер Навоий шундай деганлар:

**Жаҳл аҳли била кимки улфат бўлғай,**
**Ул улфати ичра юз минг офат бўлғай.**

Ушбу мисраларда олам-олам маъно бор. Аччиқланиб, жаҳл отига миниб, одам бирон ишга қўл урса бахтсизликка дуч келади. Кейин минг афсус қилгани билан фойдаси бўлмайди.

Ривоят қилишларича, қадим замонда бир-бирини ниҳоятда севувчи ошиқ-маъшуқлар тақдирнинг тақозоси билан анча йиллар бошқа-бошқа, айрилиқда яшашларига тўғри келган экан. Йигит сарбозликка чақирилиб, узоқ ўлкаларда жангу-жадалларда қатнашади. Ана-мана дегунча орадан 17-18 йил ўтади. Ўз юртига қайтган йигит уйига келиб қараса кўшни хонада мўйлаби сабза урган ёшгина йигит ширин уйқуда ётган эмиш. Бундан қаҳрланган эр: «Мен сени бир дақиқа ҳам ёдимдан чиқармай, сенга талпиниб юрсаму, сен бевафолик қилсанг» деб қиличини суғуриб, йигитни ҳам, нариги уйда ётган рафиқасини ҳам чопиб ташламоқчи бўлади. Шунда эсига устозларнинг: «Қаҳринг келса қирққача сана» деган ўгити тушиб, санашга тушади. Овоздан уйғонган аёл қараса эри қилич яланғочлаб, дарғазаб турибди. Шунда хотини ухлаб ётган йигитча унинг ўғли эканлигини айтади. Чунки эри хизматга кетаётганда ўғли ҳали туғилмаган эди. Бу қувончдан ўзини бутунлай йўқотиб қўйган эр ўғлини бағрига босади.

Қиссадан ҳисса шуки, дарҳақиқат, вазминлик билан ҳал этилган ишнинг охири яхшилик билан тугайди.

## ЎРТАДАН ИНСОФ КЎТАРИЛМАСИН

Жанжалнинг боши келиннинг уйига кеч қайтгани бўлди.

—Бу нима деган гап? — бобиллади қайнона ёвқараш қилиб. — Мен келин олганманми ёки ўзимга қайнонами? Қачонгача қўлим косов, сочим супурги бўлади. Бўлди бас, ҳали ўғлим келсин ҳаммасини айтаман. Ё хотин, ё онани десин.

— Ойижон, беадаблик қилган бўлсам кечирасиз. Уй юмушлари билан бўлибми, шу имтиҳон ўлгурдан ҳеч ҳам ўта олмаяпман. Бугун куним кечгача домлани пойлаш билан ўтди. Келаман деган одам, келмаса нима қилай?

— Вой-вой, ҳали бугун ҳам топширмадингизми? Яна эртага баҳона тайёр экан-да.

— Майли ойижон, сиз рози бўлмасангиз ўқимай қўя қолай. Фақат бешинчи курсга ўтганимда ўқишни ташлаб кетиш алам қиляптида. Шунча меҳнатларим зое кетадими?

— Мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда аллақачон ташлаб юборардим, шу жувонмарг ўқишни. Нима ўқиб, тоғни олиб берардингиз?

Жанжалнинг устига ширакайф Ғуломжон келиб қолди.

— Тинчликми, нима бўлди? — сўради онасидан.

— Дард бўлди, бало бўлди. Мен сенга айтдима, менга ўқимишли келин керакмас деб, кўнмадинг. Мана энди пишириб е ўзинг. Ҳар куни эрта кетиб, кеч қайтади. Ҳа десанг, имтиҳон баҳона. Яна топширолмай қайтади.

— Ҳали шунақами? Ҳов, менга қара.

Тўсатдан юзига тушган шапалоқ зарбидан Фазилатхон муккалаб кетди.

— Вой, бу нима қилиқ?

— Ҳа, ёқмадими, ёқмаса ана катта кўча.

— Шунақами ҳали?

Фазилат тез уйга кириб кийинди-да кўчага чиқиб кетди. Арзимаган жанжал, калтабинлик туфайли бир оила барбод бўлди.

Яқинда суд орқали эр-хотин ажралишди. Оилани сақлаб қолиш учун маҳалла-кўй ўртага тушди. Келин томон инсофга келди ҳам, лекин Ғуломжон ва унинг онаси «Бўлмайди» деб қаттиқ оёқ тираб туриб олишди. Она қорнида қолган бола ҳали туғилмай туриб етим бўлди.

Кунлар ўтиб она ва бола балки инсофга келиб қолишар, қилмишларидан пушаймон бўлиб, яна оилани тиклаш ҳаракатига тушишар, деган андишага бориб, уларнинг манзилларини тўлиқ кўрсатмадик. Ишқилиб ўртадан инсоф бутунлай кўтарилмаган бўлсинда. Энг муҳими ана шунда.

### ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## Мунажжим башорати

**16 ИЮЛЬ, ШАНБА**

Ой тақвими 11-кунини мунажжимлар инсондаги яширин қобилиятларнинг уйғониши билан боғлашади. Бу уйғониш инсонга жиддий ўзгариш ва чинакамига ўз танаси жисмоний ва руҳий қувватини идора эта олиш имконини беради. Яна мунажжимлар бугунги кунни жиддий ва мураккаб ишларни бошлайдиган кун дейишади – бугун ҳар биримиз ўзгариш ва ғалабага эришиш учун катта куч-қувват оламиз. Бунинг оқибати эса, моддий аҳволимиз яхшиланиши билан якун топади.

Бугунги кун боғ ва экинзорларда ишлаш, кечки экинларни экиш, қайта экиш, янги ишлар учун, шаҳар ташқарисида ҳордиқ чиқариш, ҳуқуқшунослар билан учрашувлар, никоҳ фотиҳалари, тўйлар ва хайрия тадбирлари учун қулай келади. Хуллас, фаоллик ва уддабуронлик, тадбиркорлик хусусиятларини намоён этган ҳар бир киши бугун нимагадир эга бўлади.

**ШАНБАДА:**

— бошлаб қўйган ҳар қандай ишни ниҳоясига етказиш;

— йўлга отланиш, қисқа саёҳатларни амалга ошириш;

— турли муаммоларни ҳал этишда биринчи навбатда оқилона йўл тутишга интилиш;

— қарзга берган маблағларингизни қайтариб олишга уриниб кўриш;

— экинларни чопиқ қилиш;

— тенгдошлар, дўстлар ва дугоналар билан учрашиш тавсия этилади.

Танангиздаги бўшашишларга ва саломатлигингиз ёмонлашишига эътиборсиз бўлишдан ўзингизни асранг.

**17 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА**

Ҳа, мунажжимлар бугун фаол ижтимоий ҳаракатга даъват этиб, айни пайтда ҳар қандай ишни бошлашда эҳтиёткор ва эътиборли бўлиш кераклигидан огоҳлантиришади. Сабаби – бугун бошлаб қўйган ишни чала ташлаб кетиш мумкин эмас. Яъни бугун бошлаган ҳар қандай ишингизни бугун якунига етказишингиз шарт.

Бу кеча башоратли тушлар кўрасиз: тушда паррандани кўриш ёки сувда сузиш - яхшиликка , бу сизга келажакдаги кўмак ва ҳимоя белгисидир . Оловнинг ўчиши ёки сочнинг тушишини кўрсангиз - касаллик ва дармонсизланишдан дарақдир .

Бугун спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ёки кучли дори-дармонлар ичиш мумкин эмас. Зеро,жигар ва ўт пуфаги бугун хасталикларга мойил бўлса, аллергия хуруж қилиши эҳтимоли бор.

**ЯКШАНБАДА:**

— иложи борича ташвишли ишлардан дам олиш;

— тез уддалайдиган ишларингиз билан шуғулланиш;

— ҳар қандай вазиятда одоб доирасидан чиқмаслик;

— кун воқеаларини диққат билан кузатиш – зеро, тақдир сизга муҳим янгилик тақдим этиши мумкин;

— китоблар ва ҳужжатлар устида ишлаш;

— ирода кучи ва қатъиятингизни намойиш этиш тавсия қилинади.

**18 ИЮЛЬ, ДУШАНБА**

Бугунги куннинг ҳам астрологик фони осойишта бўлишига қарамай, Сатурн билан Хирон ўртасида давом этаётган зиддият ҳуқуқий расмиятчиликларга риоя қилиш заруратини эслатиб туради. Айниқса шу йил баҳорида бошингизга тушган ташвишлар ҳануз ўз ечимини топмаган бўлса, бу зарурат янада долзарб бўлиб қолади.

Сиз учун манфаатсиз бўлган тақдир кўрсатмаларига тўсиқ қўйиш имконини шу ҳафта қўлдан чиқарсангиз, янги йил арафасида ўзингизга янги муаммолар туғдириш хавфи остида қолишингиз мумкин.

**ДУШАНБАДА:**

— интеллектуал меҳнат ва бошқа фаолият билан шуғулланинг (улар шошқалоқликни ёқтирмайди);

— ишлаш ва дам олиш учун ғоят қулай шарт-шароитлар яратиб олинг;

— фақат яхши таниган ва ўзингиз ҳурмат қиладиган кишилар билан мулоқотда бўлинг;

— бугунги кунни фақат биргина муаммони ҳал этишга бағишланг.

Чоштгоҳдан кейин янги ишларни бошлаш, асаб тизими ва товуш пайларини зўриқтириш, миянгизга келганини тилингизга чиқариш, тасодифий таниш-билишлар орттириш хавф-хатардан ҳоли эмаслигидан огоҳлантирамиз.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-609.

1 2 3 4 6